O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 1-iyun, chorshanba ● № 22 (722) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 май куни Оқсаройда АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари Денис Макдонани қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлиги барча йўналишларда барқарор ва изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликка оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Денис Макдона давлатимиз раҳбарига Америка Қўшма Штатлари Президенти Барак Обаманинг шахсий мактубини топширди ва АҚШ Ўзбекистоннинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклашдаги иштирокини юксак қадрлашини қайд этди.

Меҳмон самимий қабул учун Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик билдириб, АҚШ мамлакатимиз билан узоқ муддатли муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

(ЎзА)

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Болаларга қувонч улашиб...

Юртимизда давом этаётган "Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!" ҳафталиги қизиқарли учрашувлар, кўргазмалар, концертлар, спорт мусобақаларига бой бўлмоқда.

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон академик рус драма театрида байрам тадбири ўтказилди. «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирга Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, пойтахтимиздаги "SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари" уюшмасига қарашли Болалар маҳалласи ўғил-қизлари таклиф этилди.

Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосари А.Холбеков, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси директори Р.Мустаев, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О.Ризаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида навқирон авлодни юксак маънавиятли, мустақил фикрли, юртимиз истиқболи учун масъулиятни зиммасига олишга қодир шахслар этиб камолга етказиш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Таълим тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, ижтимоий дастурлар ўғил-қизларнинг жаҳон андозалари даражасида билим олишида, миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбияланишида, саломатлигининг мустаҳкамланишида, касб-ҳунар эгаллашида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу борадаги эзгу ишларда замонавий таълим, маданият ва санъат масканлари, кўргазма заллари, ахборот-ресурс марказлари, спорт-соғломлаштириш муассасаларини барпо этиш, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг фаолиятини давр талаби асосида такомиллаштириш масаласи алоҳида ўрин тутади.

Бугунги кунда юртимизда ўндан ортиқ болалар ва ёшлар театрлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш, ёш томошабинларнинг маънавияти, бадиий диди ва тафаккурини юксалтиришга, қалби ва онгини миллий ҳаёт тарзимизга ёт ғаразли ғояларнинг салбий таъсиридан ҳимоялашга хизмат қилувчи саҳна асарларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

— Ҳафталик доирасида ўтказилаётган қизиқарли тадбирлар барча болалар каби менда ҳам катта таассурот қолдирмоқда, — дейди пойтахтимиздаги 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Зоир Содиқов. — Айниқса, турли интеллектуал викториналар ва спорт тадбирлари бизга бир олам хурсандчилик ва завқ бағишламоқда.

Тадбирда театрлаштирилган мусиқий томоша намойиш этилди. Болаларга байрам совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

2 »

20 yil

АНДИЖОН:

меҳнат — фараҳли, ҳаёт — завқли, келажак — фаровон

Андижондаги муваффақиятларнинг сабаб ва омиллари кўп, лекин шахсан мен бунинг сирини, аввало, шу элнинг ҳеч кимга ўхшамайдиган аломат фазилатларида, яъни «анжанча» феълу атворида, деб биламан. Андижон халқи ўзининг азму шижоати, янгиликка интилиши, тадбиркорлиги билан нафақат мамлакатимизда, балки, чет эллик ҳамкорларимиз ўртасида ҳам обрў-эътибор қозонмоқда.

Ислом КАРИМОВ.

Мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган туб ислоҳотлар барча вилоятлардаги каби Андижонда ҳам ўз самарасини бермоқда. Бундан йигирма йил муқаддам Ўзбекистонда — Андижон вилоятининг Асака шаҳрида дунёнинг йигирма еттита ривожланган мамлакатидаги каби автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва у нафақат Марказий Осиёда, балки Осиё қитъасида шундай фаолият олиб бораётган мамлакатлар билан рақобатга кириша олади, дейилганда кўпчилик ишонмаган бўларди.

Мустақиллик йилларида андижонликлар ўзларининг бир сўзлилиги, фидойилиги, бунёдкорлиги билан тараққиётнинг энг юқори босқичларига эришган вилоятлар қаторидан ўрин олди. Айниқса, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалигида эришилган улкан муваффақиятлар, иқтисодий натижалар, хусусий сектор вакиллари учун яратилган шарт-шароитлар вилоятнинг қиёфасини том маънода ўзгартириб юборди.

Не бахтки, юксак орзу-умидлар йўлида қилинган саъй-ҳаракатларимиз кутилганидан ҳам зиёда натижалар бера бошлади. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 январда бўлиб ўтган мажлисида Андижонда олиб борилаётган қурилиш ва ободончилик соҳасидаги ишларга юқори баҳо бериб, «Ўзбекистонда автомобилсозлик Асакадан бошланди. Шу заводни очган куним — 1996 йил 19 июлни Ўзбекистон ҳаёти учун, тарихи учун бахтли кун, деб ҳисоблайман», деган сўзлари ҳар бир андижонликнинг қалбида ифтихор туйғуларини уйғотди.

Истиқлол фарзанди бўлган мазкур қўшма корхонада агар 2000 йилда 30 700 дона автомобиль ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йил якунида бу кўрсаткич 217 733 донани ташкил этди. Демак, автомашина ишлаб чиқариш 10 йил ичида 181минг 33 донага ёки 7,1 мартага кўпайган.

Заводда ишлаб чиқарилаётган «Captiva», «Epica», «Tacuma», «Lacetti», «Spark», «Damas», «Matiz» русумли автомобиллар жаҳон бозорида Ўзбекистон номини дунёга таратмоқда. Биргина мисол: Ўзбекистон 2011 йилнинг биринчи чорагида Россия Федерациясига автомобиль экспорт қилган Япония ва Германиядан сўнг учинчи мамлакат, деб топилди. Россия Федерациясининг иқтисодиётни ривожлантириш вазирлиги томонидан тарқатилган маълумотларга кўра, Россияда жорий йилнинг дастлабки уч ойида Асака заводида ишлаб чиқарилган 18 620 дона автомашина сотилган. «GM-Ўзбекистон» қўшма корхонаси кейинги ўн йилда мамлакат экспорт салоҳиятининг қарийб 7,6 маротаба ортишига ҳисса қўшди.

— Автокорхонамизнинг қуввати йилдан-йилга ортиб бормоқда, — дейди «GM-Ўзбекистон» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси бош директорининг ўринбосари, республика Олий Мажлиси Сенати аъзоси Маврутали Ражабов.

3 »

ИНФЕКЦИЯ ҚУРБОНЛАРИ

Германияда бодринглар келтириб чиқарган хавфли ичак инфекцияси қурбонлари сони ўнтага етди.

BBC News хабар беришича, ГУС формасида кечаётган инфекцион касаллик кейинги кунларда нафақат Германияда, балки Швеция, Дания, Голландия ва Буюк Британияда ҳам кузатилган. Бундан ташқари, заҳарланган бодринглар Чехия, Австрия, Венгрия ва Люксембургга ҳам импорт қилинган.

5-бет

ҚОНУНГА ИТОАТ ЭТИШ МАДАНИЯТИ

Яқин дўстим юртимизда фаолият юритган чет эл компаниясида ҳайдовчи бўлиб ишларди. Ўтган йиллар давомида унинг бирор марта бўлса-да, хавфсизлик камарини тақмаган ҳолда машина бошқарганини кўрмадим. Аммо хорижлик "шеф"и қаршисида ҳамиша ўзини батартиб тутган дўстим шахсий машинасини бошқараётган чоғда бу "интизом"га мутлақо амал қилмасди.

6-бет

ЧАҚАЛОҚ «КЕЛИН» ёхуд ярашмаган гажаклар хусусида

Яна бир гап. Ўша матоҳни тўрт кунлик чақалоққа кийдиришга, кимгадир фарзандли бўлиб, болажони билан уйига ошиқиш насиб этадиган, яна кимларгадир бу бахт насиб этмайдиган туғуруқхона ҳовлисида карнай-сурнай, ноғораларнинг қийқириқларига, наҳотки муассаса раҳбарияти бепарволарча томошабин бўлиб ўтирган бўлса?

7-бет

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

МЕҲР — ДУНЁ УСТУНИ

Кўзлари чаросдек, юзлари лўппигина Амина альбомдаги суратларга қараб, гўдак тилида нималардир деб чуғурлайди. Унинг энди ниш ураётган тишларини кўриб завқингиз ошади. Фотима ва Зуҳралар, гарчи эгизак бўлишса-да, феъл-атвори бутунлай бошқача. Бири оғир-босиқ, иккинчиси эса ниҳоятда шўх, ҳаракатчан. Жамшид анчайин ўйинқароқ. Икки ёшга тўлиб қолган Шодиёна жуда беозор, ҳатто боқишлари ҳам мулойим.

Китоб туманида жойлашган Гўдаклар уйидаги бу манзара кишида даставвал илиқ кайфият пайдо қилади. Лекин... Тақдир зайли билан бу ерга келиб қолган болажонлар ҳар қанча эътибор, меҳр оғушида бўлмасин, юрагининг бир четидаги кемтиклик — ота-она меҳрига ташналик уларнинг кўзларида шундоққина акс этиб турганини илғаш қийин эмас.

— Йигирма йилдан буён шу даргоҳда ишлайман, — дейди тарбиячи Рокия Узоқова. — Шу давр ичида бу ерга қанчадан-қанча болалар келиб-кетмади, дейсиз. Ҳар бирининг характери, табиати менга ёд бўлиб кетган. Уларнинг орасида ўзимни енгил ҳис этаман. Бу гуруҳга болалар атак-чечак бўлаётган даврида келади. Уларга илк қадамларини ташлашларида кўмаклашиш ҳам савоб, ҳам катта бахт.

Бу ерда тўртта гуруҳ бўлиб, биринчисида бир ёшгача, иккинчисида бир ёшдан икки ёшгача, учинчисида эса икки ёшдан уч ярим ёшгача бўлган болалар тарбияланади. Тўртинчиси эса махсус гуруҳ бўлиб, у парваришга муҳтож, ногирон болалар учун мўлжалланган. Уларни парваришлаш учун ҳамшира ва тарбиячилар бириктирилган.

Ҳеч эътибор берганмисиз: мурғак болакай қўлларини катталар томон узатиб меҳрга талпинади. Ҳали оқ қорани англаб етмаган бу полапонларнинг парвариши ниҳоятда қийин иш. Шу боис, Гўдаклар уйи ходимлари ўз вазифаларини меҳр, алоҳида масъулият билан бажаришади.

Тарбияланувчиларнинг соғлом ва дуркун бўлиб вояга етишлари учун бу ерда ҳамма шароит муҳайё. Болалар майдончаси, спорт зали, педагогика, физиотерапия, муолажа хоналари, ошхона, кирхона, ҳаммом барпо этилган. Барча хоналар зарур воситалар билан тўлиқ таъминланган.

Болалар сайрга олиб чиқилганда улар томонидан турли машқлар амалга оширилади, машғулотлар ўтказилади. Уч ой давом этадиган соғломлаштириш даврида улар қуёшда чиниқтирилади. Сув ҳавзаларида мириқиб чўмилишади. Ясси оёқлилар бўлса қумда кўпроқ юргизилади. Бунинг нафи катта.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, тиниқиб ухлаган боланинг ривожланиши ҳам, соғлиғи ҳам кўнгилдагидек бўлар экан. Шундан келиб чиққан ҳолда, болалар ором оладиган хона ўзига хос тарзда безатилган. Шкафларда кийим-кечаклар тартиб билан тахланган.

— Мазкур даргоҳ 60 ўринга мўлжалланган. Бу ерда етим, ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг болалари тарбияланади, — дейди даволовчи шифокор Инобат Халилова. — Ҳозир бу масканда 42 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Ҳар куни иш болажонларнинг соғлиғини текшириб, тарбиячилар қўлига топширишдан бошланади. Агар уларнинг соғлиғи яхши, вазни, бўйи, ривожланиш кўрсаткичлари меъёрида бўлса, бизнинг кўнглимиз хотиржам. Бор-ди-ю, бирорта бола безовталанса ёки касал бўлса, то у соғайиб кетмагунча бизда ҳам ҳаловат бўлмайди. Улар ўз фарзандларимиздек бўлиб қолган.

Меҳр — дунё устуни. Буни яхши англаган ҳомийлар, саховатпеша инсонлар болажонлар ҳолидан хабар олишга, савоб қилишга шошилади. Кимдир ўйинчоқ, кимдир ширинлик, яна кимдир кийим-кечаклар олиб келади. Масалан, шаҳрисабзлик ака-ука тадбиркорлар Усмон ва Ҳусниддин Саломов ҳар доим совғалар билан тўлиб-тошиб келишади. Байрамларда йўқлаш улар учун одат тусига кирган. Ҳар йили тарбияланувчиларнинг тўйини ўтказиб беришни анъанага айлантиришган. «Нусратов Аслиддин Зуҳриддин ўғли» хусусий фирмаси раҳбари Ҳусниддин Нусратов эса тарбияланувчилар қувончига шерик бўлиш мақсадида кийим-кечаклар, бир ёшгача бўлган болаларга сут олиб келишни сира канда қилмайди. Ҳар байрамда дастурхон ёзиб болажонларни хушнуд этади.

Бу каби ҳомийлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Гап улар келтираётган буюмлар, озиқ-овқатда эмас. Яхшилик қилишга, эзгу амалларни бажаришга интилаётганларнинг кўплиги киши қалбига сурур бағишлайди.

Болалар тарбияси, айниқса, гўдаклар парвариши ҳар бир ходимдан юксак билим ва малака билан бир қаторда тажрибани бойитиб боришни ҳам тақозо этади. Шу мақсадда яқинда гўдаклар уйида республика миқёсида семинар ўтказилди. Ҳомий ташкилотлар кўмагида чиройли таъмирдан чиқарилган мўъжаз маскан ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирди. Чиндан-да, бу ерда амалга оширилган ишлар таҳсинга лойиқ. Энг муҳими, тажриба алмашишга келганлар ҳеч бир бола меҳр ва эътибордан четда эмаслигини ҳис этган ҳолда вояга етаётганига гувоҳ бўлишди.

Гўдаклар уйига қўшни Сурхондарё вилоятидан ҳам болалар келтирилади. Айни пайтда бу ерда бош шифокор Гулнора Зоҳидова раҳбарлигидаги врач, ҳамшира, тарбиячи ва бошқа ходимлар ана шу болажонларга кечаю кундуз парвона. Дилдора Аҳмедова, Мавжуда Камолова сингари тарбиячилар, Ойша Исматова, Нигора Бўриева, Райҳон Боймуродова каби энагалар жамоадошлари орасида ҳурмат қозонган.

Болани гулга, болаликни гулзорга қиёслаймиз. Бу бежиз эмас. Мазкур маскан том маънода болаликнинг гулу гулзорига айланган. Ташқаридан разм солсангиз бунга амин бўласиз. Бундан икки йил илгари гўдаклар уйи реконструкция қилиниб, катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Натижада масканнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Бир-бирига уйғунлашиб кетган бинолар, бежирим шакл бериб безатилган боғчалар, спорт ва болалар майдончалари ажиб манзара касб этган. Ҳовлида барқ уриб яшнаб турган гуллар, дарахтларни кўрган одамнинг баҳри дили очилади.

Шундай сўлим, баҳаво масканда, меҳрибон, бағрикенг тарбиячилар, савобталаб инсонлар меҳрини ҳис этган ҳолда яйраб, яратилган шарт-шароитлардан баҳраманд бўлиб улғаяётган болалар, албатта, келажакда Ватаннинг содиқ фарзандлари бўлишади. Зеро, меҳр булоғидан қониб сув ичган ниҳоллар азим дарахтларга айланиши, фақат эзгуликларга хизмат қилиши аниқ.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
"Hurriyat" мухбири

Бахти тўкис болалар

Инсон ҳаётининг мазмуни авлодлар бардавомлиги, фарзандлар камоли билан боғлиқ. Мамлакатимизда оила, оналик ва болалик муҳофазасига, келажак авлоднинг маънавий, жисмоний, руҳий тарбиясига, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясига жиддий эътибор қаратилган. Биргина мисол: шу кунларда вилоятимиздаги санъатга ошно болаларнинг соҳани мукаммал ўрганишлари учун умумий қиймати 1 миллиард 880 миллион сўм бўлган мусиқа мактаби қурилмоқда. 2 та шундай мактабни реконструкция қилиш учун 2 миллиард 261 миллион 600 минг сўм, яна 2 та реконстукция қилинадиган мактаблар учун 1 миллиард 603 миллион 700 минг сўм, 17 та капитал таъмирланадиган мактаблар учун 3 миллиард 587 миллион 800 минг сўм маблағ ажратилган. Ҳозирда ушбу объектларда қурилиш, таъмирлаш ишлари жадал давом этмоқда.

Вилоятдаги барча таълим муассасаларида «Мустақиллик боғи», «Битирувчилар боғи» ва «Экология бурчаги» ташкил этилган. Уларда битирувчи ўқувчилар томонидан гул, манзарали, мевали дарахтлар экилиб, парвариш қилинмоқда. Шунингдек, хўжалик ҳисобида иш юрита бошлаган, экин майдонлари бўлган мактабларда полиз, сабзавотлар етиштирилмоқда. Ишнинг кўзини биладиган, ҳар жабҳада ўзининг билим ва салоҳиятини, тажрибасини ишга сола оладиган Янгиариқ туманидаги 37-, Янгибозор туманидаги 10-ихтисослаштирилган мактаблар, Шовот туманидаги 35-, Боғот туманидаги 4-, Хива туманидаги 21-сонли умумтаълим мактабларининг боғига шу кунларда кирсангиз, жаннатнинг ўзи дейсиз. Пештоқлардаги "Ҳамма нарса — болаларга" деган шиорнинг асосини шу гўзал масканлардан топасиз.

Мустақилликнинг 20 йили давомида юртимиздаги барқарор, тинч ва осуда ҳаёт кафолат топди. Одамлар ўртасида ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар яна гуркирай бошлади. Шу қадриятларни кенгроқ тарғиб қилиш ниятида вилоятдаги таълим муассасаларида «Мустақиллик — оилам тақдирида» мавзусида давра суҳбатлари, мусобақалар, ижодий кечалар уюштирилмоқда. Жорий йилнинг апрель — май ойларида 7-9 синф ўқувчи қизлари ўртасида "Менинг оилам", "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!", "Обод юртнинг озод қизиман" каби мавзуларда бўлиб ўтган иншолар танловида мактаблардан 1485 нафар иқтидорли қизлар қатнашдилар. Хивалик Ирода Собирова, Омонжон Ваисова, Урганч туманидан Ойдиной Абдушарипова, Урганч шаҳридан Мафтуна Рўзметова, боғотлик Сумбулой Раззоқоваларнинг аълога баҳоланган иншоларида мустақиллик туфайли қадр топаётган тарихий меросимиз, урф-одат ва анъаналаримизга, бугун таърифга сиғмас даражада яшнаётган гўзал Ватанимизга чексиз меҳр-муҳаббат ўзига хос талқинда ифодасини топди.

Етук маърифатпарвар олим Ризоуддин ибн Фахриддин «Улуғ ҳақларнинг улуғи ота-она устида бўлган бола ҳаққидир», деган экан. Ҳозирги кунда билимли, интилувчан, истеъдодли ёшларга мамлакатимиз раҳбариятининг эътибори катта. Юртимизда уларнинг ўз иқтидорини намоён қилишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Мустақиллик йилларида республикамизда бола ҳуқуқлари кафолатининг аниқ механизмлари яратилди. "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилиш белгиланган. Шунингдек, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида Меҳнат кодекси, шунингдек, "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Онда-сонда бўлса-да учрайдиган тарбияси оғир болалар сонини камайтириш учун ҳар бир мактаб ҳудудида участка нозирлари билан ҳамкорликда профилактик ишлар олиб борилмоқда, рейдлар ўтказилмоқда, улар билан ишлайдиган масъул ходимлар белгиланмоқда. Шунингдек, ота-оналарнинг ўз фарзандлари олдидаги мажбуриятларини ҳис қилмаслиги, маҳалла ва кенг жамоатчиликнинг эътиборсизлиги сингари ҳолатларнинг олди олинмоқда. Халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан барча умумтаълим мактабларида "Оталар мажлиси" ташкил этилиб, ушбу анъанани давом эттириш мақсадида ҳар чоракнинг охирги пайшанба куни "Оталар куни" деб белгиланган.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида махсус ҳафталик ташкил этилди. Шу куни Урганч шаҳридаги Амир Темур номли истироҳат боғида катта байрам тантаналари бўлиб ўтди. Асфальтга расм чизиш бўйича танловда юзлаб ўғил-қиз ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Ғолиблар "Болалар" жамғармасининг вилоят бўлими томонидан тақдирланди. Боғнинг ўртасида жойлашган саҳнада эса томошабинлар кўплаб кўрик-танловлар ғолиблари — Ўғилжон Абдуллаева, Матлуба Эгамберганова, Дилрабо Маткаримова, Сарварбек Дўсназаровларнинг ажойиб шеърларидан баҳраманд бўлишди.

Шу куни Хива туманидаги 20-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари Урганч шаҳридаги турли аттракционлардан бепул фойдаланишди. Вилоят ва Хива туман қўғирчоқ театрлари томошалари ҳам нафақат Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига, балки вилоятдаги барча мактаб-интернат тарбияланувчиларига бепул намойиш қилинди.

Мустақилликнинг 20 ёшли тўйи олдидан бўлиб ўтган Халқаро болалар куни ҳақиқий байрамга айланди. Ушбу тантана барча туман марказларида ҳам юқори савияда ташкил қилинди ва болаларнинг қувончига қувонч улашди.

Зуҳрахон РЎЗМЕТОВА,
Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси бош методисти, ахборот хизмати раҳбари

Дилдошлар

Самарқанд шаҳридаги 10-Меҳрибонлик уй-мактабида ҳозирги кунда 134 нафар тарбияланувчи таълим-тарбия олмоқда. Шундан 92 нафарини ўғил, 42 нафарини эса қиз болалар ташкил этади.

Ҳар бир таълим-тарбия масканида педагоглар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ёшлар ва спорт ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш яхши самара беради. Шу туфайли Меҳрибонлик уйида кенг жамоатчилик билан ҳамкорликдаги ҳаракат дастури ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, бу ерда ҳар ойнинг сўнгги шанба куни шоир-ёзувчилар, санъат усталари билан ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб борилади. Бундан ташқари, ёшларни фикран етук, жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда тўгаракларнинг ўрни муҳимлиги инобатга олиниб, ўндан ортиқ турли тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, рақс ва фольклор этнографик ансамбль тўгараги, вокал-чолғу, доирачилар, зардўзлик, миллий каштачилик, моҳир қўллар, дизайн ва шахмат-шашка тўгаракларида болажонлар ўз маҳоратларини оширишмоқда.

— Тўгаракларимиз ишини такомиллаштиришда очиқ машғулотларнинг мунтазам ўтказиб борилиши яхши натижалар бераяпти, — дейди уй-мактаб директори Салоҳиддин Латипов. — Шу жараёнда ўқувчиларнинг ўзаро тажриба алмашиши ҳамда машғулот ўтказувчига таклиф ва тавсиялар билдириши уларнинг ҳам дунёқарашини, ҳам танлаган соҳаси бўйича билим ва кўникмасини шакллантиради. Мунтазам ўтказилиб келинаётган бундай тадбирларнинг самараси ўлароқ, ўқувчиларимиз шаҳар, вилоят ҳамда республика миқёсидаги турли кўрик-танловларда, фан олимпиадаларида муносиб иштирок этиб келишмоқда. Жумладан, таълим масканидаги "Бинафша" рақс тўгараги аъзоси Азиза Усмонова рақс ижрочилиги бўйича "Янги авлод – 2010" болалар ижодиёти фестивалининг шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киритиб, махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, "Сўғдиёна зарблари" доирачилар гуруҳи ҳам фестивалнинг вилоят босқичида ғолиб бўлгани кимни қувонтирмайди дейсиз?

Дарҳақиқат, мазкур таълим-тарбия маскани эришаётган ютуқлар таҳсинга сазовор. Кейинги йилларда Меҳрибонлик уй-мактаби республика миқёсида ўтказилган "Энг замонавий Меҳрибонлик уйи" ва "Энг яхши таълим-тарбия дастурини ишлаб чиққан Меҳрибонлик уйи" номинациялари бўйича ғолиблар қаторидан жой олгани ҳам бу масканда олиб борилаётган ишларнинг қай даражада ташкил этилганини билдиради.

Ўтган йили бу даргоҳдан учирма қилинган 13 нафар ўқувчи академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсилни давом эттирмоқда. Қолаверса, уй-мактабнинг 12 нафар собиқ ўқувчиси бугунги кунда республикамизнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда. Буларнинг барчаси юртимизда болалар тақдирига, хусусан, меҳрга ташна қалбларга қаратилаётган оталарча ғамхўрлик, ёшларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун етарли имкониятлар яратиб берилганининг самарасидир.

Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
"Hurriyat" мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

АНДИЖОН:

меҳнат — фараҳли, ҳаёт — завқли, келажак — фаровон

(Бошланиши 1-бетда.)

— Давлатимиз мустақиллигининг атиги бешинчи йилида иш бошлаган автозаводда уч русумда енгил машина ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирга келиб конвейерларда 7 турдаги автомобиль тайёрланяпти. Фақатгина жорий йилнинг январь-апрель ойларида 65943 та автомобиль ишлаб чиқарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 106,9 фоизни ташкил этди. Технологияларни янада такомиллаштириш борасида изланишлар тўхтаб қолгани йўқ.

2011 йил давомида яна учта асосий лойиҳа учун қарийб 60,2 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган. Бунинг самараси ўлароқ, енгил машина иштиёқмандларига «Ласетти» русумидаги янги «GSV-EM» автомобили тақдим этилади. Шунингдек, «Ласетти» енгил автомашинасининг суюлтирилган табиий газда юришга мослаштириш учун ҳаракатлар бошлаб юборилди. Янги «Ласетти» учун бутлов қисмлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича белгиланган лойиҳа босқичма-босқич рўёбга чиқарилмоқда.

Истиқлол йилларида андижонликлар эришаётган муваффақиятлар ҳақида сўз кетганда вилоятда барча йўналишлар бўйича белгиланган режалар ортиғи билан ижро этилиб келинаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қурилиш ишларининг ҳажми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, чакана савдо айланмаси, пулли хизматлар кўрсатиш кўрсаткичлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар 2000 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 260,5 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг комплекс ҳамда энг муҳим мақсадли дастурларида кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида бу кўрсаткич 2010 йилнинг якунига келиб 3 680 миллиард сўмга етди. Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми кейинги 10 йилда 12 мартага ортди. Биргина ўтган йили маҳаллий корхоналарнинг экспортдаги улуши 29 миллион АҚШ долларига етиб, прогноз кўрсаткич 118 фоиз этиб уддаланди, ҳудудий дастурга асосан 35 миллион, шу жумладан, 20 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция тўғридан-тўғри ўзлаштирилди. Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган ҳудудий корхоналар томонидан 37,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ташқи иқтисодий алоқалар ҳам йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Истиқлол йилларида вилоятда кўплаб чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар фойдаланишга топширилди. Автомобиллар учун магнитолалар ишлаб чиқарувчи «Идас Электроникс системс», шовқин тўсқичлар етказиб беришга ихтисослашган «Уз-Ханву», катализаторлар тайёрланадиган «УзЭкокат», бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи «УзМетертежКо», фильтрлар тайёрловчи «СДК груп Анд», калава ип ишлаб чиқарувчи «Тагус текстиль», «Нанянг ред коттон ангел текстил»,«Пойтуғтекс», «Марҳамат текстиль», «Самошертекс» қўшма корхоналари ана шулар жумласидандир.

Вилоят иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Бу соҳада ҳам мулкчиликнинг янги шакли ривожланди. Пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик, боғдорчилик ва сабзавотчилик йўналишларида фаолият олиб бораётган 6175 нафар фермер йил сайин ўз тажрибаларини ошириб, сараланиб боряпти. Фермерлик ҳаракати бугунги кунда қишлоқдаги етакчи кучга айланди.

— Мен истиқлол туфайли мулк эгаси бўлдим. Фермер хўжалигини юритмоқдаман, — дейди Олтинкўл туманидаги «Олтинкўл водий гулшани» фермер хўжалиги бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Сиёсатхон Абдуллаева. – Оддий меҳнаткаш аёлнинг, фермер хўжалиги раҳбарининг қилаётган меҳнатларини қадрлаш, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши орқали турмуш фаровонлигини янада кўтаришига ҳуқуқий шароит яратиш фақат мустақилликка эришилганидан кейингина амалга оширилди. Ана шундай бахтга эришган фермерлардан бири эканимдан бахтиёрман. Ота-бувамнинг кетмондан бўлак ҳеч вақоси бўлмаган. Бугун мен каби фермернинг энг замонавий трактори, енгил автомашинаси, намунавий уйи бор. Даромад мўл, уйлар қуряпмиз, тўйлар қиляпмиз.

Пахтадан, ғалладан ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш юзасидан шартномавий режалар республикада илғорлар сафида бажариб келиняпти. Пахтачилик, ғаллачиликда уруғчиликка асос солинди. Биргина Избоскан тумани ғалланинг энг серҳосил навларидан ҳисобланган «Чиллаки», «Крошка» дон уруғларидан 6 минг тоннасини республикамиз вилоятларига етказиб беряпти.

Бу йил вилоятда 621 гектар янги боғлар яратилди. Фермер хўжаликларидаги жами 1393 гектар майдондаги боғларга 485 минг туп-дан ортиқ мевали дарахт, 856 минг туп узум кўчатлари экилди. Аҳоли томорқаларига сабзавот, полиз экинлари экиш салкам беш ярим минг гектарга орттириб бажарилди. Бу ишлар вилоят бозорларини тўлдириш ва арзонлаштиришда катта аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда чорва моллари наслини яхшилаш йўлга қўйилди. Паррандачилик, асаларичилик, айниқса, балиқчилик тармоқларида ривож кўзга ташланиб турибди. Вилоятда қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш кенгайтирилмоқда. 2009-2010 йиллар мобайнида 8 та гўштни, 11 та сутни, 6 та мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналари ҳамда 8 та сут қабул қилиш сервис пунктлари ташкил этилди. Шу билан бирга ўтган икки йилда 177 та иссиқхона ташкил этилиб, ишга туширилди. Буларнинг ҳаммаси андижонликларнинг меҳнатсеварлиги, янгиликка интилувчанлиги, ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотларнинг изчил бажарилишига муносиб ҳиссадир.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ҳам мақтаса арзигулик. Таъкидлаш жоиз, ҳар қадамда одамларга қулайлик яратишга ҳаракат қилинмоқда. Кейинги тўрт йилда аҳолига кўрсатилган ана шундай хизматлар ҳажми киши бошига ҳисоблананда қарийб 3,4 баробарга ошди. Мобиль алоқа, интернет, видеотелефон тизими, лизинг, суғурта, аудит, инжиниринг ва бошқа замонавий хизмат турлари кўпайиб, йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бугун андижонликлар интернет орқали дунёнинг исталган нуқтаси билан боғланиш имкониятига эга.

Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Андижон вилояти турар жой массивларининг коммунал инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида»га қарорлари асосида намунавий уй-жойлар қурила бошланди. Мана, табиий газ, ичимлик сув билан таъминланган, равон йўллар қурилган 665 та янги уй-жой бунёд этилди. Вилоятда барча бирдек ҳавас қиладиган 12 та замонавий турар жой мавзеси вужудга келди. Хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу кенг кўламли қурилишлар баҳонасида вилоятда бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш кенгайтирилди. Бу соҳада 233 та корхона ташкил этилиб, уларда минглаб юртдошларимиз доимий иш ўрнига эга бўлдилар. 1990 йилда вилоятда кунига 80 минг дона пишган ғишт ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 1 миллион 350 минг донани ташкил этяпти. Бу йил ҳам қишлоқ жойларда 665 та замонавий уй-жой қурилиши олиб борилмоқда. Келаси йилда қуриладиган 1120 та ана шундай турар жойлар қурилишига ер майдонлари ажратилди.

Юртбошимизнинг «Андижон вилоятида 2011-2015 йилларда турар жой массивлари коммунал инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан вилоятдаги бунёдкорлик ишлари учун 1 триллион 696 миллиард сўм маблағ ажратилди. Натижада бутун вилоят шаҳар ва қишлоқлари улкан қурилиш майдонига айланди. Айниқса, Андижон шаҳрининг Ўзбекистон, Истиқлол, Бобур, Амир Темур кўчаларида инсонни ҳайратга соладиган улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Шу кунларда Андижон шаҳридаги Ўзбекистон кўчасининг очилиши Юртбошимизнинг тарихий қарори асосида амалга оширалажак улуғвор ишларнинг дебочаси бўлди. Жуда қисқа муддатларда бундан 50-100 йил аввал хом ғишт, гуваладан қурилган пастқам уйлар бузиб ташланиб, 3-4 ва ундан ортиқ қаватли уйлар қурилди. Вилоят бўйича 3 мингта, Андижон шаҳрининг 14 та кўчасида 1248 та ана шундай иморатлар тикланди. Биргина Ўзбекистон кўчасининг ўзида 169 та биринчи қавати аҳолига савдо ва сервис хизмати кўрсатадиган, юқори қаватлари уй-жой ва офис учун мўлжалланган бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мутахассисларнинг айтишларича, шаҳардаги 79 километр узунликдаги кўчалар шу йўсинда ободонлаштирилади, кўчалардаги барча коммунал тармоқлар ер ости ўтказгичлари орқали қайта таъмирланади. Бу бинолар асосан тадбиркорларнинг ўз маблағи ва банк кредитлари ҳисобига қурилди.

— Биз ҳам оиламиз билан эски уйимиз ўрнида уч қаватли замонавий бино қурдик, — дейди Андижон шаҳри, Ўзбекистон кўчасида истиқомат қилувчи тадбиркор Бекзодбек Ҳакимов. — Бунинг учун «Ҳамкорбанк» 50 миллион сўм кредит ажратиб, бизга ёрдам берди. Қисқа муддатда замонавий лойиҳа асосидаги турар жойга эга бўлдик. Унинг биринчи қаватида савдо дўкони, иккинчи қаватида тикувчилик цехини ташкил этяпмиз. Бу билан 20 та янги иш ўрни яратилади. Учинчи қаватда эса оиламиз билан яшаймиз. Мен каби шундай замонавий бино қурган тадбиркор қўшним Олимжон Элчиев биринчи қаватда ўқув маркази, Одилжон Ҳолмирзаев эса биринчи қаватда аёллар ва болалар либослари дўконини очди.

— Биз Бобуршоҳ кўчасида беш қаватли кўркам бино қуряпмиз, — дейди «АКА» фирмаси раҳбари Абдурахмон Юсупов. — Бу ерда диагностика ва даволаш тиббий маркази иш бошлайди. Унинг қурилишига таъсисчи сифатида ўз маблағимиз ҳамда «Ҳамкорбанк»дан олинган 375 миллион сўмлик кредит катта мадад бўлмоқда. Марказ битгач, энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, 30 киши иш билан таъминланади.

— Бизнинг болалигимиз тор, арава зўрға юрадиган, қишда лой, ёзда чанг кўчаларда, гуваладан, пахсадан қилинган зах уйларда ўтган, — дейди 91 ёшли отахон Исроилжон Исмоилов. — Бугунги ёшларнинг бахти бор. Уйларнинг бўйига қарасангиз дўппингиз тушиб кетади. Ойналарининг тиниқлигидан кўзларингиз қамашади. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофатидан, мамлакатимиздаги тинчлик-тотувликдан, аҳилликдан, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг доно сиёсатидан.

Ҳозир вилоятда иш билан банд аҳолининг асосий қисми кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд. Янги иш ўринларининг 70 фоизидан ортиғи эса қишлоқ ҳудудларида ташкил этилди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг алоҳида ўрни бор. Тадбиркорлар фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида ўтган йили банклар томонидан 166 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Дарҳақиқат, озод Ватаннинг обод уйларида яшаш бугунги ёш авлоднинг дунёқарашини ҳам кескин ўзгартириб юборади. Чунки кенг ва ёруғ, барча қулайликларга эга бўлган уйларда вояга етган авлоднинг кўнгли ҳам обод бўлади.

Ана шу жиҳатдан олиб қараганда вилоятда халқ таълими, маданият, спорт, ижтимоий соҳалар ҳам жадаллик билан ривож топмоқда. Бугун мавжуд 739 та умумий ўрта таълим мактабида 409 313 нафар ўғил-қизга 37 396 педагог илм-фан сирларидан сабоқ беряпти. Мазкур таълим муассасаларининг аксарияти мукаммал таъмирланган. Кўпчилиги янгидан бунёд этилган бўлиб, бу мақсадларга 97,2 миллиард сўм, жиҳозлаш учун эса 37 миллиард 892 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди.

Вилоятда тадбиркорлар ҳам маънавий-маърифий муассасалар қуришга бел боғлашган. Андижон шаҳрида маҳобатли Ёшлар маркази бунёд этилган бўлса, шаҳрихонлик тадбиркор Д.Саматов ўз маблағи ҳисобидан 216 ўринли замонавий мактаб-боғча мажмуасини қуриб, фойдаланишга топширди. Бу ишларга ҳомий томонидан 1 миллиард 264 миллион сўм сарфланди.

2003-2010 йилларда вилоятда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 100 та иншоот қурилгани Андижон ёшларини янги марраларга ундамоқда. Бундан ташқари, 2010 йилнинг ўзида 3 та мактабда спорт зали, 1 та мусиқа ва санъат мактаби бунёд этилди. Ҳудуддаги 4 та иншоот реконструкция қилиниб, 4 та сузиш ҳавзаси ва 1 та спорт иншоотида капитал таъмирлаш, 13 тасида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жисмоний тарбия ва спортга алоҳида аҳамият берилаётгани туфайли андижонлик спортчилар 2010 йилда 310 та халқаро ва республика даражасидаги мусобақаларда қатнашиб, 522 та олтин, 421 та кумуш, 560 та бронза медалларини қўлга киритдилар. Андижонлик боксчиларнинг ҳам шуҳрати оламга машҳур бўлмоқда.

Вилоятда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислоҳотлар натижасида қишлоқ аҳолисига сифатли, замонавий ва қулай тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилиб, тиббиёт ходимларининг малакаси оширилди. Врачлар умумий амалиёт шифокорлигига қайта тайёрланди. Айни кунда вилоят бўйича 341 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Улар «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Юртбошимизнинг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир фармонларини амалга ошира бориб, вилоятда диагностика, скрининг ва перинатал марказлар, янги туғуруқ мажмуалари барпо этилди. Тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Ҳозирги кунда тиббиёт муассасаларида 6191 нафар врач фаолият олиб бормоқда. Шундан умумий амалиёт врачлари 710 нафарни ташкил этади.

Озод ва обод Ватан — Ўзбекистон бағрида кундан-кунга гуллаб-яшнаётган Андижон ва унинг бир сўзли халқи Юртбошимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган давлат, адолатли жамият қуришдек орзуларини амалга оширишда ислоҳотларнинг олдинги сафларида бораверади. Чунки уларнинг қалбида истиқлол берган шижоат, ғайрат, эртанги кунга ишонч мужассам. Ўз юртига эгалик ҳиссидан ғурурланиш билан бир қаторда шукроналик, Ватан саодатини кўрмоқлик бахти уларнинг қалбига ўчмас оташ, чўғ солган.

Бунда меҳнат қилиш фараҳли, ҳаётимиз завқли, келажагимиз фаровондир.

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
«Андижоннома» газетаси бош муҳаррири ўринбосари,
Йўлдошмирза ИСОҚЖОНОВ,
«Олтин қалам» миллий мукофоти совриндори,
Матёқуб НАРЗИЕВ,
«Hurriyat» мухбири,
Азаматжон ТОШМАТОВ
олган суратлар.

Биз ўзимизга ўхшаб яшаймиз

Андижон шаҳрида Ўзбекистон кўчасининг очилишига бағишланган "Ободлик кўнгилдан бошланади" тантанасида иштирок этиш учун отланган бир гуруҳ шоир ва ёзувчилар довон ошиб ўтарканмиз, йўлнинг икки четидаги манзараларга қараб тўймасдик — дам кўзларимизни қиру адирларда бунёд этилаётган янги боғлар яшнатса, дам руҳимизни янгидан тушган кўркам ва бежирим уй-жойлар, салобатли иншоотлар яйратарди.

"Бу файз, бу салоҳиятни кўринг! Бари истиқлол шарофатидан!" Ҳаммамизнинг дилимиздаги гапни тилига кўчирди шоир дўстларимиздан бири. Андижон ҳудудига кириб борганимизда бунга яна бир карра ич-ичимиздан амин бўлдик. Ҳаммаёқ байрам тусида, ҳамма ер саранжом-саришта!

Андижонга ташриф қилган барча меҳмонлар "Ўзбекистон" кўчаси бошига йиғилган. Улар орасида мамлакатимизнинг машҳур санъаткорлари, таниқли актёрлари, эл назари тушган инсонларни кўриш мумкин. Ҳамманинг қалбида ҳаяжон. Мен кенг, замонавий кўчанинг икки томонида саф тортган иморатларга қарайман: ниҳоятда дид билан қурилган, ёрқин салоҳияти билан худди кўзкўз қилинадиган суратлардагига ўхшайди.

Тантанали қисм тугагач, мушаклар ранго-ранг излар қолдириб, самога сочилди. Осмон камалак ранглари ила безанди. Карнай-сурнай садолари, икки томонни тўлдирган халқнинг олқиш садолари!

Кўча бошидаги шоҳи ленталар қирқилиб, унда байрам юриши бошланди. Олдинги сафларда борарканман, мен ҳам одамларнинг қалбидаги шодиёнани, юзларидаги нурни кўриб беиҳоя тўлқинландим. Бу катта шодхуррамликка йўғрилган издиҳом орасидан илк марта ўтишим эди десам, асло муболаға эмас. Икки томондаги кўп қаватли иморатлар айвонига чиқиб, шодиёнадан баҳра олаётган одамларни айтмайсизми? Ажойиб либослардаги келинчаклар, тўн ва қийиқ боғлаган болажонлар, парча оқ булутдек зеболанган қизчалар! Хонадонларнинг айримларидан осойишталик ва хуррамлик рамзи сифатида осмонларга кабутарлар учириларди.

Кўча охирида Асакадан тўғри шу ерга келтирилган турли маркадаги ўнлаб машиналар саф тортиб турарди. Уларнинг гуллар билан безатилганини айтмайсизми! Ҳамма меҳмонлар ўша машиналарга таклиф қилинди...

Боғи Бобурга бориб, яна бир ажойиб манзаранинг шоҳиди бўлдик. У ерда мумтоз қўшиқларимиз жонли ижроларда янграр, машҳур аскиячилар саҳнага чиқишга шайланиб туришарди, айни чоғда донгдор ошпазлар иштирокида ош тайёрлаш танлови ўтказилаётган экан. Бир пайт қалам аҳлига ҳам навбат берилди. Улар галма-гал жўшиб шеър ўқидилар. Мен саҳнадан туриб, дастурхонлар атрофидаги юзлаб одамлар чеҳрасига боқдим. Бундоқ файзни яна қаерда кўриш мумкин? Ҳеч қаерда! Бунинг боиси нимада? Боиси, бизнинг бировларга тақлид қилиб яшамаслигимизда. Биз ўзимизга ўхшаб яшаймиз!

Андижон бағрида жаранглаб турган бундай сурур ҳар бир ижодкорга ажиб илҳомлар ато этиши шак-шубҳасиздир.

АНДИЖОН

Баъзан умринг айёмлари нурланар шан,
Баъзан кўнглинг тўлмагайдир кечган ондан...
Тонг еллари шивирлади: – Йўлга отлан,
Юрагингга илҳом топгунг Андижондан!

Осмонўпар чўққиларга юзландим мен,
Нидосидан томиримда туйдим титроқ:
– Шоир Чўлпон шеъри юксак биздан-да, чин,
Мирзо Бобур руҳи биздан виқорлироқ!

Дарёлардан сўрадим сўнг: – Сиздек кабир,
Жўмард қалблар қай пучмоқда, қай маконда?
Улар айтди: – Сен қалбларга боққин, ахир,
Дарёдилли одамлар бор Андижонда!

Чаманларга юзим бурдим ошуфта ҳол:
– Қай чаманни, айтинг, сизга айлай қиёс?
Деди улар: – Бизларни ҳам қилгайдир лол
Андижонда очилганда гуллар қийғос!

Сокин кеча фалакларга кўзим тикдим,
Акси борми дея ерда қаҳкашоннинг.
Ҳилол менга айтди: – Тунлар термулиб жим,
Кўрдим уни кўчасида Андижоннинг!

Бағрингга мен келдим юксак туйғу билан,
Ажиб байтлар шарораси тушди жонга.
Мен одатда мўъжизага бермасдим тан,
Ҳайратимни ҳадя этдим Андижонга!

Мирпўлат МИРЗО



«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47;
факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

Семинар

Самарқанд вилоят Матбуот уйида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан «Оммавий ахборот воситалари — ёшлар нигоҳида» мавзусида ҳудудий семинар ўтказилди. Унда Самарқанд вилоятидаги босма оммавий ахборот воситалари ҳамда Қашқадарё ва Жиззах вилоятларидаги етакчи газеталар бош муҳаррирлари ва журналист-ижодкорлар иштирок этди.

Ёш журналистлар қўллаб-қувватланди

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Самарқанд вилоят «Зарафшон» газетаси таҳририяти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ёш журналистлар маҳоратини ошириш, уларнинг танлаган соҳа сирларини пухта эгаллашларида малакали журналистлар тажрибасидан самарали фойдаланишларига шароит яратиш, шунингдек, соҳага кириб келаётган ёшларга оммавий ахборот воситалари ва унинг фаолият йўналишлари ҳақида тушунчалар бериш мақсадида ташкил этилди.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган устувор йўналишлар ҳақида тўхталиб, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида ҳам муҳим қонунчилик ташаббусларини билдирган эдилар. Жумладан, соҳага оид қонунчилик тизимини такомиллаштириш, ОАВ моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист кадрлар профессионал маҳоратини ошириш ва уларнинг фаоллигини кучайтириш сингари масалалар энг муҳим вазифа сифатида қайд этилганди. Мазкур тадбир ҳам Концепциядан келиб чиқадиган вазифаларни ўрганиш ва айни чоғда тизим учун долзарб масалалар муҳокама қилиниши билан аҳамият касб этди.

Семинар қатнашчилари «Зарафшон» газетаси таҳририятида ёш журналистлар билан ишлаш, уларнинг касб кўникмаси ва малакасини ошириш борасида қилинаётган ишлар билан танишдилар.

— 2006 йилда таҳририятимиз ҳузурида «Журналистлик маҳорат маркази» очилди, — деди тадбирда «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев. — Маҳорат марказининг «Ёш журналистлар гуруҳи»да ўтган тўрт мавсум давомида журналистикага қизиқиши бўлган 130 нафардан кўпроқ ёшлар соҳа бўйича бошланғич назарий билим олдилар, амалиёт жараёнида иштирок этиб, босма оммавий ахборот воситаларида ишлаш кўникмасига эга бўлдилар.

Маҳорат марказининг собиқ тингловчиларидан Чингиз Норқулов Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясида, Илҳом Жўраев ва Лайло Шомуродова Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг «Самарқанд» газетасида, Мўътабар Нурмуҳаммедова СТВ ижодий уюшмасида, Сарвиноз Дониёрова «Бекажон» газетасида етакчи ижодий ходим сифатида, Наргиза Аҳмедова ва Доно Исохонова СТВ ижодий уюшмаси ва NTT каналида бошловчи, Гулмира Келдиёрова Қизил Ярим ой жамияти вилоят кенгашида матбуот хизмати ходими сифатида фаолиятларини давом эттиришяпти. Қолаверса, бир қатор собиқ тингловчилар айни пайтда олий ўқув юртларининг журналистика ва филология факультетларида таҳсил олишмоқда. 2011 йилнинг январь ойидан бошлаб журналистик маҳорат маркази Ўзбекистон Республика Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Тадбирда марказнинг бу йилги битирувчиларига сертификатлар топширилди.

У.ХЎЖАНИЁЗОВ

Вилоят таҳририятларида

Тажрибанинг шаклланиши

"Сирдарё ҳақиқати" газетаси таҳририятида фаолият кўрсатаётган ҳамкасбларимиз ибратли ишга қўл уришибди. Бу ерда аввал хизмат қилган журналистлар билан ҳар икки ойда учрашиб, бугуннинг энг долзарб мавзулари ҳамда журналистиканинг муҳим сир-синоатлари, жанрлар хусусида мунозаралар ўтказиш йўлга қўйилибди. Бу ташаббуснинг ташкилотчиси Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Сирдарё вилоят бўлими раиси, вилоят газетасининг бош муҳаррири Жумабой Қосимов бўлса, ташкилий ишлар ижрочиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Аликул Хонимқуловдир.

Яқинда Гулистон шаҳрида сирдарёлик қалам усталарининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Бир пайтлар хизматда елкадош бўлган, "летучка"ларда бир-бирларини аямай танқид қилган ёки таҳрирда дакки эшитиб, бўялган кўлёзмасини қайта кўчиртирган ҳамкасбларнинг йиллар ўтиб соғинчдан энтиккан ҳолатдаги дийдорлашувини тасвирлашга қалам ожиз.

Хўп ажойиб учрашув бўлди-да! Эътибор бердим, сочи оқарса ҳам Элмурод Мавлонов ўша-ўша мулойимлик ва майинликни тарк этмабди. Орзу Абдусаматов ҳозир ҳам ўзининг ҳақлигини "исботлаш" одатини унутмабди. Қандай тадбир ўтишидан қатъи назар шеър ўқишдан чарчамайдиган шоиралар — Баҳор Холбекова билан Холида Пардабоева пиру бадавлат онахонлар бўлибди. Кам гапириб, кўп тинглайдиган Ортиқ Султонов ҳозир ҳам файласуфга ўхшайди, сергап Сафар Холбоевда, индамас Сарабек Холмуродовда, "Мен ҳақ" дегувчи Иброҳим Эшбековда, кузатувчи Мамадали Аҳмедовда деярли ўзгариш кўзга ташланмайди. "Сирдарё ҳақиқати"нинг тажриба мактабида синовлардан ўтиб, ижодда камолотга эришган, яхши инсоний фазилатлари билан ҳамиша ҳамкасбларида ҳавас уйғотган бу инсонлар билан Гулистондек гўзал бир бўстонда мириқиб суҳбатлашиш ва бугунги мустақил Ватан шаъни, унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ҳақида фахр-ифтихор билан сўз юритиш ҳузур бағишлади.

Ўтган устозлар номма-ном хотирланди. Айниқса, кўп журналистларга устозлик қилган Исмоил Сулаймоновнинг номи тез-тез тилга олинди. Ҳақиқатдан ҳам у бағрикенг, қалби дарё инсон эди. Биз унинг меҳрибонлигини, журналист меҳнатини холис баҳолашини, тўғрисўзлигини, талабчанлигини ва шогирдларининг ютуқларидан фахрланишини қадрлар эдик. Хусусан, менга ишда ва сирт-дан ўқишда оталарча меҳрибонлик қилган. Биз ёшлар тилга тушадиган яхшироқ мақолалар ёзганимизда ҳали газетада чоп этилмасидан бош ҳисобчини чақириб, мукофот ёзиб берар эди.

Саъдулла Боқиев ҳам ўта камтарин, меҳнатсевар, бутун ҳаётини, тажриба ва маҳоратини ўзи ишлаётган газета ҳамда жамоа манфаатига бағишлаган инсон эди. У киши қаламкашнинг мунсабати ёки муомаласидан қатъи назар материални холис таҳрир қиларди. Умуман, унинг таҳрирга оид тажрибаси ибратли эди.

Учрашувда марҳум Абдулазиз Яхшиликовнинг ижодда ибрати ва инсоний фазилатлари ҳақида деярли ҳамма гапирди. Туғишган инимиздай бўлиб қолган бу ҳамкасбимизни эслаганимизда кўзлардан ёш келди.

Камтарлик ва камсуқумликда, саховатда, ижро интизомига қатъий амал қилиш ва сўзининг устидан чиқишда у ҳамма учун ибрат эди. Ишни 43 йил олдин корректорликдан бошлаган Абдулазиз кейинчалик бир неча бўлимларга мудирлик қилди. У саноат, қурилиш ва транспорт соҳаларини ёритишда, мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини очиб беришда тенгсиз мутахассис эди.

Учрашувда фақат орамиздан кетган ҳамкасблар эмас, балки ярим асрдан кўпроқ меҳнат қилиб Мирзачўлда ўзига хос ижод мактабини яратган ва бугунги кунда 75-80 ёшдан ошган журналистлар ҳам эъзозланди. Жумладан, устоз журналист Саминжон Султонов 80 ёшдан ошдилар. Ҳали тетик. Таҳририят ходимлари у кишининг ҳузурига бориб, маслаҳат олиб туришади. Бу ёш журналистларни бир қолипга тушиб қолишдан сақлайди.

Устозлар ва шогирдлар дийдорлашувида мунозара мавзусини тўғри танлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Менимча, Ватан, миллат шаъни, ислоҳотларнинг моҳияти, ташқи сиёсатда босилаётган дадил қадамлар, тинчлик-осойишталик учун шукроналик, ахборот ва сўз эркинлигини англаш масъулияти, миллий қадриятлар нималигини идрок этиш, турли мавзуларда мулоҳаза юритиш, ёзиш ҳозирги журналистлар олдида турган энг долзарб вазифалардир.

Даврада ўтирган барча журналистлар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Орол денгизи тақдири, Сирдарё ва Амударёнинг қуйи оқимларида юзага келган аҳвол, Қирғизистонда ҳамда Тожикистонда йирик гидроэнергетика иншоотлари қурилса, оқибатлари нималарга олиб келиши, умуман, минтақадаги экологик хавфхатар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, бевосита Мирзачўл шароити билан боғлиқ масалалар хусусида ўз фикрларини баён қилдилар.

Албатта, ёзадиган, мулоҳаза қиладиган мавзулар кўп. Уларнинг ўта муҳимларини аниқлаб олишда устозлар ва шогирдларнинг бундай учрашувлари, ўзаро тажриба алмашиш катта аҳамиятга эга. Ишончимиз комил, "Сирдарё ҳақиқати"да шакилланган тажриба мактабининг фаолияти янада такомиллашиб, янги мазмун билан бойиб бораверади.

Иброҳим НОРМАТОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Имконият

Мамлакатимизда ижро ҳокимияти тизимини ислоҳ қилиш, уни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижро ҳокимияти фаолиятини такомиллаштиришда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари муҳим аҳамият касб этади. Сабаби, давлат идораларига келаётган ахборотларнинг ҳажми мунтазам равишда ошиб боришини ҳисобга олсак, уларни оддий услубда қайта ишлаб, аниқ якуний ахборотларни шакллантириш жуда катта вақт ва куч талаб этади.

Замонавий ахборот технологиялари

Интернет технологияларининг ривожланиб бориши бугун фуқаролар ва ижро ҳокимияти ўртасидаги мулоқотнинг янги турини вужудга келтирди. Аслида, бу тушунча XX асрнинг 80-90-йилларида яратилган бўлса-да, асримиз бошларидан тўла маънода истилоҳимизга кирди. У мамлакат доирасида бошқарув харажатларини камайтиришга, жамият аъзоларининг давлат билан компьютер технологиялари ёрдамида мулоқот қилишини таъминлашга асосланган электрон тизимни англатади. Интернет тармоғидаги бу тизим фуқароларнинг вақтини тежайди. Улар интернет тармоғига уланган исталган компьютер орқали давлат органига ахборот узатиши, сўров билан мурожаат этиши, ҳужжатларни расмийлаштириши ва давлат идораси билан боғлиқ бошқа муаммоларини ҳал қилиши мумкин. Бундай мулоқот фуқароларга бир вақтнинг ўзида ҳам давлат идораси фаолияти, ҳам мавжуд меъёрий ҳужжатлар ҳақида ахборот олиш имконини беришдан ташқари, давлатга ўз мурожаатини бевосита етказиш имконини яратади. Бугунга келиб, тизимнинг давлат ҳамда фуқаролар, давлатнинг қуйи ва юқори идоралари, давлат муассасалари ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги мулоқотни таъминлашга хизмат қилувчи турлари шакллланган.

Давлатимиз ва ҳукуматимизнинг соҳага оид меъёрий ҳужжатларининг амалга оширилиши натижасида 2003 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали сайти ишлаб чиқилиб, синов тарзида www.gov.uz электрон манзили интернет тармоғига жойлаштирилган эди. Ҳозирги кунда ҳукумат портали республикамизнинг энг кўп мурожаат этиладиган интернет ресурсларидан бирига айланди.

Порталнинг имкониятларини кенгайтириш, уни замонавий платформада яратиш, қўшимча модулларни киритиш, интерфаол хизматлар сонини кўпайтириш ва хизматлар сифатини ошириш ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 20 январдаги "Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан "Қўшимча модуллар киритилган янги платформадаги янги ҳукумат порталини ишга тушириш" лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукумат порталининг янги шакли ишлаб чиқилди ва 2009 йилнинг октябрь ойидан интернет тармоғида жойлаштирилди.

Ҳукумат портали мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистон Республикаси давлат тузилиши, бошқаруви, ҳокимият органлари, иқтисодиёти, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва қўлга киритилган ютуқлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек, хорижлик сармоядорлар ҳамда ишбилармонларга республикамиздаги қулай инвестиция муҳити ва мавжуд шароитлар ҳақида кенг маълумот олиш имконини беради.

Соҳага қаратилаётган эътибор самараси биргина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 7,4 миллион кишининг интернет тармоғидан фойдаланганида ҳам кўринади. Ҳукумат портали фуқароларимиз тез-тез мурожаат этадиган мамлакатимиздаги энг машҳур 15 сайтдан биридир. Порталга бир ойда ўн минглаб интернетдан фойдаланувчилар ташриф буюрадилар ва у орқали 130 мингдан ортиқ бошқа сайтларга ўтишлар қайд этилади.

Толибжон НИЗОМОВ

Чаққонлик, маҳорат синови

Хабар

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги ҳамда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишлаб "Бухоронома" ва "Бухарский вестник" вилоят газеталари соврини учун енгил атлетика бўйича 69-анъанавий эстафета мусобақаси ўтказилди.

Мусобақанинг "Бухоро" спорт мажмуасида бўлиб ўтган очилиш маросимида мазкур нашрлар бош муҳаррири Жаҳонгир Исмоилов сўзга чиқиб, ҳар йили ўтказилиши анъанавий тус олган бу тадбир вилоятда истиқлол йилларида спортнинг оммавийлигини тарғиб қилишнинг муҳим воситаларидан бири экани, мазкур беллашувлар оммавийлиги жиҳатидан бу муҳим йўналишдаги мусобақалар орасида алоҳида мавқега эгалигини таъкидлади.

Шундан сўнг олий ўқув юртлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари, корхона ва ташкилотларнинг 67 жамоаси аъзолари Бухоро санъат коллежи биноси олдида эстафетага чиқишди.

Шаҳарнинг бешта кўчаси бўйлаб — умумий узунлиги 6,1 километрдан иборат эстафета масофасининг 14 та босқичида ҳам жамоалар ўртасида кураш қизғин кечди.

Ниҳоят интиқиб кутилган ҳал қилувчи паллалар ҳам етиб келди. Бухоро давлат университети бош жамоаси аъзоси Александр Саидов 16 дақиқаю 15 сония натижа кўрсатиб, биринчи ўринни қўлга киритди. Ғолибдан 6 сонияга ортда қолган Олимпия захиралари спорт коллежи вакили иккинчи, "БухДУ-2" жамоаси аъзоси эса учинчи ўринни эгаллади.

Умумтаълим мактаблари гуруҳида Бухоро шаҳридаги 16-мактаб енгил атлетикачилари яққол устунлик қилишган бўлса, меҳнат жамоалари — корхона, ташкилот ва муассасалар гуруҳида Вобкент тумани педагоглари пешқадамликни қўлга киритди.

Эстафета сўнггида ғолиблар таҳририятларнинг қиммат-баҳо ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Эркин ЁДГОРОВ,
"Бухоронома" мухбири
Сергей ПОЛЕТАЕВ
олган сурат

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

ЯНА БИР ВУЛҚОН «УЙҒОНМОҚДА»

Камчаткадаги «Ключевская» вулқонидан отилаётган кулнинг баландлиги 5 километрга етди, дея хабар тарқатди РИА Новости.



«Ключевская» вулқонида ўтган йилнинг ноябрь ойидан буён ҳеч қандай фаоллик кузатилмаган эди. Эндиликда мутахассислар бу ҳодисани сайёҳлар ва авиация учун хавфли, дея баҳолашмоқда. Чунки муз ва магманинг қўшилиши оқибатида осмонга отилган лава кучли лойли оқим бўлиб ерга қайтиб тушиши мумкин.

У дастлаб 2005, 2008 ва 2010 йилларда «уйғонган» эди. Айниқса, охирги лава отилишлари натижасида Эрман ва Черний музликларининг бир қисми эриган. Вулқон атрофида ҳудудларга жуда кўп миқдорда кул "ёғган".

ЗИЛЗИЛА САБАБЛИ... ЭКСПОРТ ҚИСҚАРДИ

Японияда жорий йилнинг апрель ойида автомобиль экспорти ўтган йилнинг шу ойига нисбатан 67,8 фоизга қисқарди. Бошқача айтганда, экспорт қилинган автомобиллар сони 391,5 мингдан 126,1 мингтага тушиб қолган.



AFP тарқатган хабарда қайд этилишича, бундай паст кўрсаткичга мамлакатда рўй берган зилзила ва цунами оқибатида ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин пасайиши сабаб бўлган.

Апрель ойида Японияда автокорхоналарда 292 мингта автомобиль ишлаб чиқарилган. Ваҳоланки, ўтган йилнинг шу даврида бу рақам 731,8 мингтани ташкил этган эди. Табиий офатдан, айниқса, «Honda» компанияси жиддий зарар кўрган: компания ўз ишлаб чиқаришини 81 фоизга камайтиришга мажбур бўлган.

Умуман олганда, зилзила туфайли «Toyota», «Nissan», «Honda», «Mitsubishi», «Suzuki» сингари йирик автокомпанияларга тегишли заводлар фаолияти вақтинчалик тўхтатилди. Ҳозирги пайтда деярли барча корхонларда иш қайтадан йўлга қўйилди. Аммо улар аввалги ишлаб чиқариш ҳажмининг 35-50 фоизи даражасида автомобиллар ишлаб чиқаришмоқда.

ИНФЕКЦИЯ ҚУРБОНЛАРИ

Германияда бодринглар келтириб чиқарган хавфли ичак инфекцияси қурбонлари сони ўнтага етди. Ўлганларнинг тўққизтаси аёллардир, дея хабар беради DW-World.

Шу кунгача мамлакатнинг 15 та федерал ҳудудида мингдан ортиқ касаллик тасдиқланган ва тахмин қилинаётган ҳолат кузатилган. Айниқса, Германиянинг шимолидаги вазият оғир. Lenta.ru сайтининг хабар беришича, Шлезвиг-Гольштейн ва Гамбург шаҳарларида тўрт киши ушбу инфекциядан заҳарланиш оқибатида вафот этган.

Касалланганларнинг кўпчилиги катта ёшдаги инсонлар. Уларнинг 87 фоизида касаллик гемолитик-уремик синдром (ГУС) кўринишида ўтмоқда. Бу формага геморрагик диарея, ўткир буйрак етишмовчилиги ва анемия характерлидир.

BBC News хабар беришича, ГУС формасида кечаётган инфекцион касаллик кейинги кунларда нафақат Германияда, балки Швеция, Дания, Голландия ва Буюк Британияда ҳам кузатилган. Бундан ташқари, заҳарланган бодринглар Чехия, Австрия, Венгрия ва Люксембургга ҳам импорт қилинган.

Испаниядан келтирилган бодринглар инфекция ўчоғи деб ҳисобланмоқда.

СЕЙМ ТАРҚАТИБ ЮБОРИЛАДИМИ?

Латвия Марказий сайлов комиссияси парламент тарқатиб юборилишига оид референдум ўтказиладиган кунни эълон қилди. Унга кўра референдум шу йилнинг 23 июль куни бўлиб ўтади.



Таъкидлаш керакки, мамлакат парламенти — Сейм ваколатининг муддатидан олдин тугатиш ташаббуси президент Валдис Затлерс томонидан илгари сурилди. У ўтган якшанба куни бу ҳақда расмий баёнот билан чиқди. Баёнотда айтилишича, парламент мамлакатнинг эмас, балки тор доирадаги айрим гуруҳларнинг манфаатларини ҳимоя қилмоқда.

Айни пайтда референдум тўғрисида турли хил фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Кўрамиз, умумсайлов — референдум қандай натижалар билан якунланаркан?

ВАБО ХАВФИ

Украинанинг Мариуполь шаҳрида уч киши вабо касаллиги ташҳиси билан касалхонага келтирилди. Дастлабки маълумотларга кўра, касалланганлар Азов денгизидан тутилган баликдан таом тайёрлашган ва истеъмол қилишган. Донецк вилоят санитария-эпидемиология хизматининг хабар беришича, бу ҳодисалар бир-бири билан боғлиқ эмас.

Ҳозирги пайтда беморларнинг саломатлиги яхши. Аммо шунга қарамасдан шаҳар, вилоят соғлиқни сақлаш ташкилотлари ва санэпидхизмат мутахассислари томонидан зудлик билан эпидемияга қарши тадбирлар ўтказиш ҳамда касаллик ўчоғининг кенгайишига йўл қўймаслик



мақсадида оператив штаб ташкил этилди. Шунингдек, давлат санэпидназорат фаолияти ҳам кучайтирилди. Эпидемия хавфи бор ҳудудлар — пляжлар, болалар боғчалари, бозорларда назорат йўлга қўйилди.

ХУНУКЛАР ТАНЛОВИ

Зимбабведа ғаройиб танлов ўтказилди. Ғаройиблиги шундаки, танлов ниҳоясида мамлакатнинг энг хунук одами аниқланди.

Маҳаллий «Herald» нашрининг хабар беришича, танловда 30 ёшли Остин Мбеве ғолиб деб топилди. Ғолиб танлов ташкилотчилари томонидан 1200 ранд миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди. Иккинчи ва учинчи ўрин соҳибларига эса тегишлича 600 ва 500 ранд миқдорида пул мукофотлари насиб этди.

Танловда 15 нафар эркак киши иштирок этган. Хотин-қизлардан иборат ҳакамлар ҳайъати эса уларнинг хунуклигини «баҳолаган».

Мазкур танлов уч йилдан бери мунтазам ўтказиб келинмоқда.

27 ЙИЛДАН СЎНГ НИШ УРДИ

Дунёда инсонни ҳайратга соладиган воқеа-ҳодисалар тез-тез учраб туради. Ана шундай воқеалардан бири Хитойнинг Гуйчжоу провинциясида содир бўлди.

Хитойнинг «Хуанцю шибао» газетасининг ёзишича, спирт эритмаси ичига қўйилган женьшен гиёҳининг илдизи оз эмас, кўп эмас, нақд 27 йилдан кейин ниш урган. Бу ғалати воқеа сабаблари ҳозирча фан учун номаълумлигича қолмоқда. «Спиртли эритма ичида шунча вақт сақланган ўсимлик илдизи қандай қилиб кўкарганини тасаввур ҳам қила олмаяпман, — деб ёзади «Хуанцю шибао» нашри университет профессори сўзларини иқтибос келтириб.

Маълумки, женьшен Шарқ мамлакатларида энг қимматли шифобахш ўсимликлардан бири ҳисобланади. Хитой тиббиёти вакиллари женьшен асосида тайёрланган дори воситалари инсон умрини узайтиради, деб ишонишади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Ижодий сафар

Санкт-Петербург таассуротлари

Фарғона вилоятидаги оммавий ахборот воситаларида хизмат қилаётган бир гуруҳ журналистлар яқинда Санкт-Петербург шаҳри ва Ленинград вилояти журналистлари ижодий уюшмасининг таклифига биноан Россия Федерациясида сафарда бўлиб қайтдилар.

— Бундай учрашувлар нафақат тажриба алмашиш, балки икки мустақил давлат халқлари босиб ўтган сўнгги 20 йил нима берди, жумладан, ОАВ фаолияти қандай кечяпти, деган саволларга жавоб топишга хизмат қилади, — деди мулоқотлар аввалида Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти журналистлари ижодий уюшмасининг масъул котиби Елена Шаркова.

Ҳа, дарҳақиқат, биз, журналистлар бу мамлакатдаги ўзгаришларни ўз кўзимиз билан кўришимиз, ундаги воқеликни бевосита англашимиз ҳамда таққослаш асосида юртимизда қўлга киритилаётган улкан ютуқлардан фахрланишга ҳақли эдик. Шундай ўй ва мулоҳазалар билан ҳамкасбларимизнинг таклифини қабул қилгандик.

ТАЖРИБА АЛМАШИБ...

Андрей Константинов матбуотнинг детектив воқеликлар таҳлилчиси ҳамда иқтидорли ёзувчи сифатида бир қанча халқаро ижодий танловларда ғолиб ва совриндор сифатида ном қозонганлардан бири. У ихтисослигига кўра араб тарихчиси. Узоқ йиллар шарқ мамлакатларида ишлаган. Сўнгги йигирма йиллик ҳаёти эса журналистика билан боғлиқ. Бир қанча номдор газеталар мухбири, айни пайтда ўзининг "Журналистик суриштирув агентлиги"да бош директор ҳамда Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти журналистлари ижодий уюшмасининг раиси вазифасида хизмат қилади.

Учрашув дастлабки дақиқаларданоқ самимий мулоқот, савол-жавоблар тарзида ўтди.

— Россияда ҳам Ўзбекистондаги каби цензура қонун билан бекор қилинган. Лекин журналистлар ички цензурани четлаб ўтолмаяптилар, — деди А.Константинов. — Яна бир муаммо: журналистика факультети талабаларининг умумий билим савияси саёз. Улар кўп китоб ўқимайдилар. Ўқиб-ўрганмасдан, билим пойдеворига эга бўлмасдан қандай қилиб етук журналист бўлиш мумкин?

Мавзу биз учун ҳам қизиқарли эди. Чунки шу каби муаммолар ўзбек журналистикасига ҳам қайсидир маънода дахлдор. Ҳар биримиз бу масалада фикр-мулоҳаза ва таклифларимизни баён этишга ҳаракат қилдик.

Мен ҳамкасбимга айрим Россия нашрларига оид эътирозларимни билдирдим. Уларда баъзи пайтларда мамлакатимизга келмай, одамлар билан учрашмай туриб, мишмишлар ёки интернетдаги муаллифи тайинсиз, мазмуни ҳақиқатдан йироқ маълумотларга асосланиб воқеликларни бузиб кўрсатиш ҳоллари рўй бераётганини мисоллар билан айтдим.

— Афсуски, бу ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Журналист этикаси фақат аниқ, исботланган фактларга асосланиб ёзишни тақозо этади, — деди ижодий уюшма раиси.

Суҳбат чоғида журналист холислиги ва эркинлиги мавзусида ҳам баҳсли мулоҳазалар билдирилди.

— Бир газета таҳририятига шаҳар ҳукумати ғоят имтиёзли нархда ўз биносини ижарага берган. Хўш, энди бу нашр шаҳар маъмурлари фаолияти ҳақида танқидий мақола чоп эта оладими? "Шундай қилсам кўчада қолмасмиканман?" деган ҳадик мазкур ижодий жамоани бу ишга қўл уришдан қайтаради. Демак, журналист ҳам, у ишлайдиган таҳририят ҳам иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиши керак.

Тилга олинган муаммо мамлакатимизда 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталарининг йиғилишида Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган "Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да алоҳида йўналиш сифатида белгилаб берилгани, журналистик фаолиятни тартибга солувчи қонунлар, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари тўғрисидаги қонун лойиҳаси устида ҳам иш олиб борилаётганини айтганимизда, ҳамкасбимнинг кўзларида ҳайрат кўрдим.

Ижодий мулоқот Санкт-Петербургдаги "Журналистлар уйи"да давом этди.

— Ҳозир шаҳар ва вилоятда 50 та газета, 30 та телерадиоканал фаолият кўрсатади. Уларда 2500 га яқин журналист меҳнат қилмоқда, — деди медиокомпания бош директори Виктор Машенджинов. — Санкт-Петербург аҳолиси "ўқийдиган"лар тоифасидан. Шунинг учун ҳам газеталарнинг бир марталик адади 1,5 миллион нусхани ташкил этса-да, ўз муштарийларини топади.

Биз Санкт-Петербург ҳукуматининг бош нашри — "Петербургский дневник" газетаси фаолияти билан танишдик. У ҳафталик нашр бўлиб, 300 минг нусхада 24-36 саҳифада чоп этилиб бепул тарқатилар экан. Газетада ижтимоий-сиёсий, маърифий-маданий мавзулар бош ўринни эгаллайди. Аммо реклама ҳам оз эмас.

— Санкт-Петербургда Швеция, Финляндия каби қўшни давлатларнинг савдо уйлари ишлаб турибди. Газета билан боғлиқ харажатларнинг асосий қисмини уларни реклама қилишдан келадиган маблағ ҳисобидан қоплаймиз, — деди нашр бош директори Владимир Гронский. — Қолган бир қисм маблағни ҳукумат ажратади. Натижада у ижтимоий газетага айланди. Мана, бир неча йилдирки, газета муштарийларга бепул тарқатилади.

— Газеталар таҳририятларида ёш журналистларга эҳтиёж катта, — дея суҳбатга қўшилди Матбуот ва жамоатчилик билан алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари Валентин Сидорин. — Бу масала сизларда қандай ечим топяпти?

Муҳаррирларимиз бу муаммо бизда ҳам борлигини, уни бартараф этиш учун таҳририятлар қошида ёш мухбирлар мактаблари ташкил этилганини, университетларнинг иқтидорли битирувчилари билан шартнома асосида иш олиб борилишини, ёшлар учун махсус ташкил этилаётган ижодий танловлар орқали унинг ечимига йўл топилаётганини айтдилар.

— Ибратли тажриба! Биз ҳам шу каби усулларни қўлласак бўларкан, — деди В.Сидорин мамнун бўлиб.

Шу куни "Фарғона ҳақиқати" — "Ферганская правда" газеталарининг бош муҳаррири Баҳром Обиджонов "Петербургский дневник", "Славьянка сегодня" газеталари бош муҳаррирлари билан келгусида маданий-маърифий ҳамда фуқаролик жамиятини қарор топтириш мавзусида мақолалар алмашиш ҳақида келишиб олди.

"Санкт-Петербург телеканали"да бизни бош директор Юрий Зинчук мамнуният билан қарши олди. У узоқ йиллар НТВнинг махсус мухбири бўлиб ишлаганини, Ўзбекистонда бўлиш унга орзу эканини, телеканал дастурлари ва журналист маҳорати ҳақида завқланиб гапирди.

Ўзаро мулоқот чоғидаги инсон тафти ўрнини ҳеч нарса боса олмайди, — деди Юрий Зинчук. — Шунинг учун биз кичик студияларда жонли суҳбат, баҳс-мунозара, тортишувлар асосидаги кўрсатувлар билан ҳаётий долзарб мавзуларни ўртага ташлаймиз. Тадқиқотчилар ана шундай бевосита мулоқот шаклидаги кўрсатувларимизнинг бирини 10 миллионга яқин томошабин кузатгани ҳақида хулоса бердилар.

«КЕЛИНГ, БИРОДАРЛАШАЙЛИК!»

— Санкт-Петербург ҳукумати ташрифингизга катта эътибор беряпти. Балки сизларни Смольнийда қабул қилишар, — деганди сафаримиз ташкилотчиси Елена Шаркова телефондаги суҳбатимиз чоғида. Шундай бўлди ҳам. Бизни ҳукумат биносига таклиф қилдилар. Смольнийдаги қабуллар залида ҳукуматнинг ташқи алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари Сергей Марков илтифот ила кутиб олди. Дастлаб шаҳар ва вилоят иқтисодий-ижтимоий аҳволи, имкониятлари, эришган натижалари, Ўзбекистон ва Санкт-Петербург муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш ҳақида гапирган мезбон "сизларга бир илтимосим бор", деб қолди.

— Биз учун Ўзбекистон жуда қадрли. Иккинчи жаҳон уруши пайтида ўзбек оилалари Питернинг минглаб етим, бемор болаларини ўз бағрига олиб, ота-оналик меҳрини улашганини биламиз ва бундай инсоний туйғуларни юксак қадрлаймиз. Илтимосим шуки, ўзаро борди-келди, дийдор кўришишни расман йўлга қўйсак. Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри раҳбарлари, жамоатчилиги рози бўлса, Санкт-Петербург ёки унинг округлари сизлар билан биродарлашса! Бу гапларимни матбуот орқали етказсангиз. Токи бугун сиз бу ерда айтган Ўзбекистон, унинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларини бизнинг жамоатчилик вакиллари Фарғона мисолида ўз кўзлари билан кўрсинлар. Фарғоналиклар келишганида эса бизнинг ҳам мақтанадиган гапларимиз бор.

Бир ярим соатлик ғоят самимий мулоқот чоғида ижодий гуруҳимиз аъзолари — вилоят телерадиокомпанияси директори Иброҳимжон Ҳалимбеков, "Фарғона ҳақиқати" — "Ферганская правда" газеталари бош муҳаррир ўринбосари Бахтиёр Қамбаров, "Қўқон садоси" — "Знамя труда" газеталари бош муҳаррир ўринбосари Равиль Мамин ва бошқалар Ўзбекистонда миллатлараро бағрикенглик, миллий маданий марказлар иши, рус тилидаги босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, иқтисодий-ижтимоий ўсиш асослари, яқинда эълон қилинган ривожланиш Концепцияси тамойиллари ҳақида ҳаётий мисоллар билан гапириб бердилар.

ЯГОНА ОИЛА БЎЛИБ

Санкт-Петербург шаҳрининг қоқ марказида, тарихий Невский шоҳ кўчасида бир муҳташам бино бор. У "Миллатлар уйи" деб аталади. Бу ерда турли миллатларнинг маданий автономиялари жойлашган.

— Биз, Санкт-Петербургда муқим яшайдиган ўзбеклар яқинда шу бинода ўз анжуманимизни ўтказдик. Унда оқсоқоллар кенгаши сайланди. Энди бизга "Миллатлар уйи"дан доимий бириктирилган хоналар ажратилади, — дейди ўзбек автономияси оқсоқоллар кенгаши аъзоси Суръатбек Абдураҳимов.

Суръатбек ака маҳаллий ўзбеклар бирлашмасининг режаси ҳақида тўлқинланиб гапирди.

— Мақсадимиз — мамлакат раҳбари бошчилигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни, аввало, ватандошларимизга, қолаверса, Санкт-Петербург аҳлига турли анжуман, учрашувлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ёрдамида кенг тарғиб қилишдир. Яқиндан бошлаб ўзбек ва рус тилида "Петербург Уз" номли газета чоп этдик.

"Миллатлар уйи" бош директори Алла Дидимова билан суҳбатимиз ҳам ғоят мароқли кечди.

— Шаҳримизда 150 дан зиёд миллат вакиллари яшайди. Санкт-Петербург ҳукумати "Толерантлик (миллий бағрикенглик) дастури"ни қабул қилган. Ўзбеклар бирлашмаси ҳам бу ягона оиладан муносиб жой олган. Баъзи жиҳатлари билан бошқаларга ҳатто ибрат кўрсатадилар. Бу уларнинг, аввало, меҳмондўстлиги, очиқ кўнгиллиги, илмлилиги ва албатта, шарқона одобида кўринади. Мен ишга метрода келаман. Очиқ айтай, ҳатто асл питерлик ёшлар ҳам менга ўрнидан туриб жой бермайдилар. Аммо вагонда ўзбек боласи бўлса, у дарҳол илтифот кўрсатади. Аёл ва кексаларга жойини бўшатиб беради. Бу қанчалар гўзал ва ёқимли маданият!

Биз сафар арафасида "Миллатлар уйи"да ҳафтада бир кун ўзбек тилида машғулот олиб бориладиган "Якшанбалик мактаб" очилаётганидан хабар топгандик. Алла Дидимовага Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва ўзбек адибларининг сайланган асарларидан иборат 120 томлик кичик кутубхонани совға қилдик.

— Бу биз учун кутилмаган, аммо ғоят қимматли туҳфа бўлди, — деди Алла Дидимова мамнуният ила.

Худди шу каби китоблар тўпламини Юрий Лермонтов номидаги Халқлар тиллари кутубхонасига ҳам тортиқ этдик.

— Кутубхонамизда ўзбек тилидаги 40 мингта китоб бор. 2 мингга яқин ўзбек ўқувчиларимизнинг 700 таси "Фаол китобхон" рўйхатида туради. Улар бир ойда камида битта ўзбек тилидаги китобни олиб ўқийдилар, — деди кутубхона директори Гарина Бутурович биз келтирган ҳар бир китобни ҳавас билан варақлар экан.

ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Ижодий сафар сўнггида "Петербург Уз" газетаси таҳририяти билан ўзаро ахборот айирбошлаш, Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти журналистлари ижодий уюшмаси билан келгусида ҳамкорликда конференция, семинарлар ўтказиш, тажриба алмашиш учун ижтимоий шерикчиликда дастурлар тайёрлаш режалари тузилди.

Расмий учрашувлардан бўш вақтимизда Санкт-Петербургнинг тарихий обидалари, музейлари билан танишдик, Нева дарёсида кўркам кемада сайр қилдик.

Ўзаро тажриба алмашиш фарғоналик журналистлар учун янгилик эмас. Илгари Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Андижон, Наманган, Тошкент шаҳри журналистлари билан ҳамкорликда газеталарнинг қўшма сонларини чиқардик, телевидениелар орқали кўрсатувлар айирбошлаб намойиш этдик, ижодий семинарлар, конференциялар ўтказдик. Булар, аввало, малака ошириш, дунёқарашни кенгайтириш, ҳаётни теранроқ тушуниш, журналистика муаммолари ечимига етишни тезлаштириш каби муҳим масалаларда кўмаклашди. Санкт-Петербург сафари эса хорижлик ҳамкасблар тажрибасини таққослаб кўриш ҳамда у ерда нафақат ўзбек журналистикаси, балки мустақил Ўзбекистон эришаётган натижалар, ютуқларни тарғиб қилиш билан бойиди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

НИГОҲ

Билмаганни билган яхши

Хорижликларнинг Ўзбекистонда никоҳдан ўтиш тартиби

***?** Мамлакатимизда доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг оилавий муносабатларни шакллантириш, яъни никоҳдан ўтиш тартиби қандай?*

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон фуқароси саналган ҳар қандай эркак ёки аёл ҳар қандай давлат фуқароси билан Ўзбекистон ёхуд хорижий мамлакатда никоҳдан ўтиши тақиқланмаган. Оила Кодексининг 216-моддасида "Ўзбекистонлик фуқароларнинг юртимизда доимий яшовчи, аммо фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳи умумий асосларда амалга оширилади" деб белгиланган.

Ўзбекистонда фуқаролиги бўлмаган шахс билан Ўзбекистон фуқароси ўртасидаги никоҳ агар бу шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш визаси никоҳ тузиладиган кунда ҳақиқий бўлсагина қайд қилинади. Шунингдек, никоҳ чет давлатнинг қонунига зид бўлса, никоҳланувчи чет эл фуқароси Ўзбекистонда белгиланган никоҳ ёшига етмаган бўлса ёки ўз мамлакатида икки ёки ундан ортиқ хотин олиш ҳуқуқига эга бўлганда никоҳ қайд этилмайди. Бу талаблар чет эл фуқароси билан никоҳга кирувчи Ўзбекистон фуқаросининг ва бу никоҳдан туғиладиган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Чет эл фуқаролари билан никоҳни қайд этишда никоҳга кириш ҳақидаги аризага чет эл фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг нусхаси ва таржимаси ҳамда никоҳда турмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар белгиланган тартибда легализация қилинган ҳолда илова этилади.

Ўзбекистон фуқароси билан никоҳга кираётган чет эл фуқароси ўз мамлакатида жорий этилган ҳуқуқий имтиёзларни талаб қилишга ҳақли эмас.

Айни пайтдаги қонунларга мувофиқ Ўзбекистонда никоҳи қайд этилган чет эл фуқароси 50 АҚШ доллари миқдорида давлат божи тўлайди. МДҲ мамлакатларининг фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам Ўзбекистон фуқаролари учун белгиланган энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида давлат божини тўлашга мажбурдирлар.

З.МАХСУДОВА,
Бухоро шаҳридаги 1-сон ФҲДЁ бўлими мудираси

Кўчмас мулк гаровга қўйиладими?

***?** Кўчмас мулкларни гаровга қўйиш мумкинми? Мумкин бўлса, бу қандай амалга оширилади?*

Ҳа, кўчмас мулкларни гаровга қўйиш мумкин. Кўчмас мулкларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома (ипотека) шу мулк жойлашган ҳудуддаги нотариус томонидан тасдиқланади. Бундай шартномани нотариал тасдиқлаш пайтида нотариус ипотекага қўйилаётган мулк ипотекага қўювчи шахсга тегишли эканини, уни бошқа шахсга ўтказиш тасдиқланмагани ва хатланмангани, бошқа ипотекага қўйилган ёки қўйилмаганини, қарзлар йўқлигини, ипотекага олувчи ва қўювчи юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатларини, жисмоний шахсларнинг шахсини ва вакилларининг ваколатларини текширади. Шу билан бирга, ипотекага қўйилаётган кўчмас мулкнинг ипотекага олувчи ва ипотекага қўювчи билан биргаликда тузилган баҳолаш далолатномаси ёки баҳоловчи ташкилотнинг хулосаси керак бўлади.

Амалиётдан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, нотариусга кўчмас мулкнинг тегишлилиги (эгалик ҳуқуқи)ни тасдиқловчи ҳужжат, кадастр идораси томонидан берилган маълумотлар тақдим қилинади. Албатта, бунда фуқаронинг турмуш ўртоғидан розилик сўралади. Юридик шахсларга тегишли бўлган бино ва иншоотларни гаровга қўяётганда эса ўша юридик шахсга тегишлилиги ҳақидаги эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат, низом, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳнома, жамият аъзоларининг умумий йиғилиш баённомалари талаб қилинади.

Н.ХАЛИЛОВ,
Бешариқ туманидаги
1-сон давлат нотариал идораси нотариуси

Боланинг розилиги шарт

***?** 10 ёшга тўлган болани фарзандликка олиш ким томонидан аниқланади?*

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги болани унинг фарзандликка олинишидан олдин эркин, мустақил ҳолда қарор қабул қилишини кафолатлайди. Фақатгина боланинг розилиги орқали шахслар уни фарзандликка олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Оила Кодексининг 155-моддасида шундай дейилган: «Ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун боланинг розилиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланади».

Ўзбекистонда бугунги кунда фарзандликка олиш институтини такомиллаштириш борасида бир қанча ютуқларга эришилди. Ота-она ва бола орасидаги муносабатлар ҳамда ўзига оид бўлган мажбуриятлар ҳуқуқий тартибга солинди. Хусусан, васийлик ва ҳомийликдаги болани фарзандликка олиш, ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олиш, давлат болалар муассасалари тарбияси ва таъминотидаги болаларни фарзандликка олиш, болани такроран фарзандликка олиш, фарзандликка олишнинг вужудга келиш вақти каби масалалар миллий қонунчилик тизимида ўз аксини топган.

Т.ҒОФУРОВ,
Ўзбекистон Миллий университети
ҳуқуқшунослик факультети талабаси

Мулоҳаза

Қонунга итоат этиш маданияти

Яқин дўстим юртимизда фаолият юритган чет эл компаниясида ҳайдовчи бўлиб ишларди. Ўтган йиллар давомида унинг бирор марта бўлса-да, хавфсизлик камарини тақмаган ҳолда машина бошқарганини кўрмадим. Аммо хорижлик "шеф"и қаршисида ҳамиша ўзини батартиб тутган дўстим шахсий машинасини бошқараётган чоғда бу "интизом"га мутлақо амал қилмасди.

— Хорижликлар қонунга амал қилмайдиганларни аяб ўтиришмайди, — деди у бунинг сабабини сўраганимда. — Шахсий машинани эса ишдан бўш вақтимда ҳайдаяпман.

Ҳамсуҳбатимнинг жавобидан маълум бўлишича, у хорижлик раҳбаридан жазо олмаслик учунгина иш вақтида амалдаги тартиб-қоидаларга риоя қиларкан. Ачинарлиси шундаки, "улар"да ҳар қандай фуқаро қонунларга итоат этиши шарт эканини билган ва беихтиёр ўзи ҳам шу тартибларга амал қилган дўстим республикамизда ҳам худди шундай қонунлар борлигини, ҳар бир фуқаро (жумладан, Ўзбекистонга келган ҳар қандай хорижлик ҳам) уларга қатъий риоя қилиши лозимлигини англаб етмаган кўринади.

Хорижлик мутахассислар ўз ишларини якунлаб, аллақачон ватанларига кетиб бўлишган. Дўстим эса ҳозир шахсий автоуловида киракашлик қилади. Бироқ у ҳали-ҳамон машина бошқариш чоғида амал қилиши лозим бўлган тартиб-қоидаларга риоя қилишни ўрганмади. Ҳатто хорижликларнинг қатъиятлиги ҳам унга ибрат бўлмаган, шекилли.

Яна шунга ўхшаш воқеа. Тошкентдан қайтишда тўрт киши такси ёлладик. Қиш чилласи эмасми, тўхтовсиз ёғаётган қор, қалин туман шундоқ ҳам олис ва оғир йўлни қийинлаштиришини англаб, ҳайдовчидан машинани эҳтиёт бўлиб бошқаришини илтимос қилдик. Қайда! Пойтахт ҳудудидан чиқиб катта йўлга тушгач, ҳайдовчи мобиль телефонининг "чакаги" очилди. Очиғи, унинг шу пайтдаги ҳолати гўёки истироҳат боғида сайр қилаётган ошиқ ҳаракатларига ўхшаб кетарди. Йўл эса ҳар томондан пешма-пеш ғизиллаб ўтиб турган автоуловлар билан тирбанд. Салонда юрагини ҳовучлаб ўтирган йўловчилар унутилган. Шу зайлда Гулистонга етиб ҳам келдикки, ҳайдовчининг қўли телефондан бўшамади.

Ҳайтовур, орамиздаги ёши улуғроқ Худойберди аканинг сабри чидамади. "Ўв, бола, ё қўлингдагини ўчириб, машинани тўғри бошқар, ё бизни Тошкентга қайтариб олиб бор, бошқа такси ёллаймиз", — деди бироз асабийлашиб.

Эътироздан кейин "сотка"ни бироз тинч қўйган ҳайдовчи барибир йўл давомида бир неча марта мобиль телефонидан фойдаланди. Бизни ажаблантирган ҳолат нафақат унинг машина бошқара туриб тинимсиз телефонда сўзлашгани, балки бир нечта назорат постидан ўтишимизга қарамасдан йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг ҳайдовчи томонидан тартиббузарликка йўл қўйилганига эътибор қилишмагани бўлди.

Бундай қонунбузарлик ҳолатларига ҳар қадамда, исталган жойда гувоҳ бўлиш мумкин. Очиғи, бунга кўникиб қолгандек, шундай бўлиши лозимдек тутамиз ўзимизни. Оддий фуқаролардаги эътиборсизлик, совуққонликка чидаса бўлар, бироқ қонун ижроси учун жавобгар, масъул инсонлардаги лоқайдликни қандай баҳолаш керак? Ахир, бу йўловчилар, қолаверса, машина бошқараётган инсон ҳаёти учун қимматга тушиши мумкин эмасми?!

"Қонунлар нега қабул қилинади?" деган савол юзасидан ижтимоий сўров ўтказилгудек бўлса, ҳеч бўлмаганда иштирокчиларнинг 80 фоизи "Албатта, жамиятни, ҳаётни тартибга солиб туриш учун" деган жавобни бериши табиий. Зотан, мустақиллик йилларида мамлакатимизда қабул қилинган, қабул қилинаётган қонунларимиз ҳар бир фуқаронинг фаровон яшашига, улар ҳақ-ҳуқуқларининг тўлақонли ҳимоясига қаратилган. Таъкидланганидек, ҳар биримиз буни тўғри англаймиз, биламиз, тушунамиз. Аммо қонунни билиш, англаш бу ҳали унга ҳурмат билан қараш, сўзсиз амал қилиш, итоат этиш дегани эмас. Мақола аввалида тилга олинган воқеалар қаҳрамонларининг қонунлардан бохабар бўлгани ҳолда уларга амал қилмагани бунга мисол бўла олади.

Яқинда қайсидир газетада бугунги кино маҳсулотларимиз савияси, мазмун-моҳияти ҳақидаги баҳс-мунозарали материални ўқиб қолдим. Унда муаллифлардан бири хорижий фильмлардаги биргина арзимас деталга аҳамият қаратган. У ҳам бўлса, фильм қаҳрамонлари машина бошқараётган пайтида ҳар қандай шароитда ҳам хавфсизлик камарини тақишлари эпизоди. Бир қарашда, бу унчалик аҳамиятли деталь эмасдек. Бироқ масаланинг моҳиятига чуқурроқ эътибор қилсак, бу худди биз тилга олаётган қонунга итоат этиш маданиятининг бир кўринишидир. Эҳтимол, ўша фильмлар ишланган хориж давлатларида ҳам фуқароларнинг барчаси автомобиль бошқариш жараёнидаги қонун назарда тутган талабларга риоя қилмас. Аммо биргина шу деталь — хавфсизлик камарини тақиш эпизодининг ўзиёқ ўша мамлакат ҳудудида бу талабга қатъий риоя этилиши шартлигини тарғибот қилишнинг оқилона бир усулидир. Демак, турли кўринишдаги оммавий тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам бу борада мақсадга эришишнинг илғор усулларидан бири бўлиши мумкин экан.

Хабарингиз бўлса, бундан бир ой муқаддам "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилиниб, расман кучга кирди. Ушбу қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи бир қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Масалан, биз юқорида тилга олиб ўтган ҳолат — транспорт воситасини бошқариш вақтида уяли алоқа воситасидан фойдаланиш ҳолати бўйича эндиликда жавобгарга нисбатан республикамиздаги энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солинади. Бу ҳол шундан сўнг ҳам бир йил давомида такрор содир этилса, энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солиниши ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 6 ойгача муддатга маҳрум этилиши каби чора қўлланилади. Қонунчиликка шу ва шу каби ўзгартишларнинг киритилиши бежиз эмас, албатта. Бинобарин, кейинги пайтларда автоҳалокатларнинг асосий қисми айнан ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш чоғида амал қилиши лозим бўлган қоидаларга риоя қилмасликлари оқибатида рўй бермоқда. Афсуски, бу каби қоидабузарликлар кўпинча инсон умрига зомин бўлиши билан якун топмоқда. Шундай экан, ҳар биримиз тўрт мучамиз соғлигида қонун-қоидаларга риоя этсак, ҳаммаси яхши бўлади. Шундай эмасми?

Даврон ОРИПОВ,
"Hurriyat" мухбири

Божхона Постидан Хабарлар

ТЕРИФУРУШЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Мамлакатимизда қорақўл, мўйна ва бошқа тери маҳсулотларини четга олиб чиқиш ман этилган. Шунга қарамай айрим кимсалар мўмай даромад орттириш илинжида бу ишга қўл уришмоқда. Яқинда фарғоналик божхоначилар томонидан шу турдаги қонунбузарлик ҳолатларининг олди олинди.

Қувасой шаҳрининг қўшни давлат билан чегарадош ҳудудида ҳаракатланаётган "КамАЗ-5120" русумли юк машинаси тўхтатиб текширилганда, фуқаро С.Мирзакаримов томонидан Ўзбекистонда тайёрланган 5180 дона ошланган қўй терилари қўшни давлатга олиб чиқиб кетилаётгани фош қилинди. Тегишли ҳужжатлари бўлмаган ушбу маҳсулотларнинг умумий қиймати салкам 34 миллион сўмни ташкил этди.

Вилоятнинг "Ўзбекистон" божхона пости ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда тезкор тадбир ўтказишди. Тадбир давомида Фарғона туманида истиқомат қилувчи фуқаро С.Отабековнинг хонадонида қиймати 56,5 миллион сўмдан ортиқ 8700 дона ярим ошланган қўй терилари қонунга хилоф равишда сақланаётгани аниқланди. Маълум бўлишича, бу маҳсулотлар яширин равишда четга олиб чиқиб кетишга мўлжалланган экан.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг дастлабки чораги мобайнида республикамиз божхоначилари томонидан 20 та қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, 172 миллион сўмликдан зиёд тери маҳсулотларининг четга ноқонуний олиб чиқилишига чек қўйилди.

СИФАТИГА КИМ КАФИЛ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги "Спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори истеъмолчилар ҳуқуқларининг тўлақонли ҳимоясини таъминлашда, контрабанда йўли билан олиб келинган сифатсиз алкоголли маҳсулотлар сотилишининг олдини олишда муҳим роль ўйнамоқда. Мазкур қарор ижроси юзасидан республикамиз божхоначилари томонидан ҳам қатъий чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Мисолларга мурожаат қилсак. Томди туманининг қўшни давлат билан чегарадош ҳудудидаги айланма йўлларда "изғиб" юрган «ЗИЛ-131» русумли юк автомашинасини кўздан кечирган Навоий вилоят божхона бошқармаси ходимлари қўшни давлатда ишлаб чиқарилган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган 50 миллион сўмликдан ортиқ 7200 литр спирт олиб кетилаётганини аниқлашди.

ЎҒИТ ЎҒРИЛАРИ

Қишлоқ хўжалиги фаолиятининг энг муҳим омилларидан бири — минерал ўғитлар таъминотидир. Лекин минг афсуски, қишлоқ хўжалиги экинларининг унумдорлигини оширишга хизмат қиладиган бундай тайёр хом ашёнинг қонунбузарлар қўлида пайдо бўлиб қолаётгани ачинарлидир. Яқинда сирдарёлик божхоначилар ҳамкорликда ана шундай кимсаларнинг қинғир қилмишларига нуқта қўйишди.

Олинган тезкор маълумотлар асосида Ширин шаҳрининг Тожикистон Республикаси билан чегарадош "Нуробод" маҳалласида яшовчи фуқаро Зулҳайдар Элиевнинг хонадони кўздан кечирилди. Текширувда бу ерда 35 та қопга солиниб қўшни давлатга олиб чиқиш учун тайёрлаб қўйилган 1750 килограмм аммиакли селитра яширилгани аён бўлди. Бу минерал ўғитларнинг манбаини аниқлаш мақсадида олиб борилган суриштирувлардан сўнг Жиззах вилоятининг Зомин туманида истиқомат қилувчи Нуриддин Кенжаевнинг ҳовлиси ҳам текширилди. Қарангки, бу ерда ҳам 65 та қопда жами 3250 килограмм худди шундай кимёвий ўғит ноқонуний равишда сақланаётгани маълум бўлди.

Ҳозир юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари давом эттирилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси
матбуот хизмати

Банк

Битирувчилар учун микросармоялар

"Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик-тижорат банкининг Хоразм вилоят филиали томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларида аҳолининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг дастлабки чорагида банк жами 4079,0 миллион сўмлик кредитлар ажратди. Жумладан, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 984,1 миллион сўм, савдо ва воситачиликни ривожлантиришга 599,6 миллион сўм, қурилиш ва маиший хизматни ривожлантиришга 1375,0 миллион сўм, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга 666,8 миллион сўм ҳамда бошқа соҳаларга 453,5 миллион сўм кредит маблағлари сарфланди, лизинг хизматлари кўрсатилди. Имтиёзли микромолиявий хизматлар миқдори эса 2321,5 миллион сўмни ташкил этди. Бу маблағлар бошланғич сармояни шакллантириш, айланма маблағни тўлдириш мақсадларига йўналтирилди.

Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан банк томонидан ажратилган кредитлар миқдори 410,5 миллион сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган уч ойи давомида коллеж ва олий таълим муассасалари битирувчилари бизнесни бошлашлари учун 44,6 миллион сўмлик имтиёзли микрокредитлар билан таъминланди. Натижада 20 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида кам таъминланган 22 та оилага 75,5 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Банкнинг Хива филиали томонидан эса "Прогресс" хусусий корхонасига чорвачиликни ривожлантириш мақсадида икки йил муддатга 24,5 миллион сўм микрокредит берилди. Шу туфайли корхонада қўшимча 4 та иш ўрни очилди, 5,5 миллион сўмлик гўшт маҳсулотлари етиштирилди.

Боғот туманидаги "Илёсиддин Элёр" хусусий корхонаси ҳам банкнинг туман филиалидан 24,5 миллион сўм миқдорида микрокредит олиб, парранда ва омухта ем харид қилди. Натижада корхона ўзининг фаолият кўламини кенгайтиришга муваффақ бўлди.

Гайрат РОМАНОВ,
"Микрокредитбанк" ОАТБ
Хоразм вилоят филиали
раҳбари ®

Тадбир

Коллежда тадбиркорлик семинари

Яқинда коллежимизда "Камолот" ЁИҲ Бухоро вилоят бўлими кенгаши ва унинг муассислигидаги "Етакчи ёшлар" ўқув маркази ҳамкорлигида битирувчи ўқувчилар иштирокида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида "Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга лойиҳаларни ишлаб чиқиш" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Тадбир аввалида кичик бизнесни юритишнинг муҳим омиллари ҳақида республика Савдо-саноат палатасининг Бухоро шаҳар филиали директори К.Тошев, ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилаётган хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар тўғрисида "Ёш тадбиркор" консультатив маркази координатори М.Чориев, "Ёш тадбиркор — Ватан иқтисодиёти таянчи" мавзусида вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси мутахассиси Р.Тоҳироваларнинг маърузалари тингланди. Шундан сўнг

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги лойиҳалар ишлаб чиқиш, бизнесни рўйхатдан ўтказиш, юридик мақомга эга бўлиш, бизнес ғоя топиш, маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, рақобат, бизнес режа талаблари ҳақида вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмасининг раиси Д.Аҳмедова иштирок этган ўқувчи ёшлар билан суҳбат тренинг олиб борди.

Қизғин музокара, баҳслар замирида ўтган семинар-тренинг битирувчиларимизга тадбиркорликни бошлашлари олдидан катта умид, ишонч ва руҳ бағишлади.

Мунира САЛОМОВА,
Бухоро банк коллежи
директорининг
маънавий-маърифий
ишлар бўйича
ўринбосари ®

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

Мутолаа

ЯХШИ КИТОБНИНГ ЎРНИ БОШҚА

Ёзувчи Шодмон Отабекнинг «Дўрмон ҳангомалари» китобини ўқиб

Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари — талабалик кезларимиз газета-журналларда «Машҳур кишилар ҳаётидан» рукни остида ажабтовур ҳангомалар чоп этилар, уларнинг аксарияти Ньютон, Алберт Эйнштейн, Чарли Чаплин, Марк Твен, Бернард Шоу ёки Михаил Светлов сингари кишилар ҳаётидан олинган бўлиб, ўқувчилар орасида катта шуҳрат қозонган эди. Одамлар уларни худди ичакузди латифалар мисол қарши олишар ва бир-бирларига айтиб юришарди.



Бизимизда эса... ўзимизда «Ғафур Ғулом ундоқ деган экан», «Юнус Ражабий бундоқ деган экан», «Саид Аҳмад бундай дебди», «Наби Раҳимов ундай дебди» деганга ўхшаш, бир-биридан қизиқарли гап-сўзларгина оғиздан-оғизга ўтиб юрарди, холос.

«Нега бизда бунақа ҳангомалар эълон қилинмайди? — деб ўйлаб қолардик баъзан. — Нима, Ғафур Ғулом ё Саид Аҳмаднинг ўша Марк Твен ё Бернард Шоудан кам жойи борми? Уларнинг ўткир ҳазил-ҳузуллари, нишонга бехато тегадиган ўқдек гап-сўзлари, беғараз шумликлари билан боғлиқ ичакузди ҳангомалар йўқми?..»

Орадан кўп йиллар ўтиб, бу саволлар ўй-хаёлларимда «жиддийлаша» борди. «Тушунарли, — дедим ўзимга ўзим. — Шунинг учун ҳам Қодирий қандай одам бўлган, Чўлпончи, Усмон Носирнинг феъл-атвори, Фитратнинг қиликлари-чи, деган саволлар очиқ қолаверган. Ҳатто уларнинг аччиқ тақдири тугул, айрим фотосуратларини истисно қилганда, ташқи кўринишлари ҳақида ҳам тайинли тасаввурга эга бўлмаган эканмизда?» Нега? Нима учун?

Радиода ишлаб юрган кезларим шўро даврининг энг номдор, эрка ва кекса шоирларидан бирига шу ҳақда савол берганим, аниқроғи, «Домла, сиз Чўлпонни кўргансиз. У киши қандай одам эди? Гап-сўзи, ташқи қиёфаси... Биз, ёшлар сира кўз олдимизга келтиролмаймиз?» деган гапларим учун балога қолганимни яхши эслайман. Бахтга қарши, нафақат ўша унвондор шоир, балки кўплаб оқсоқол адибларимиз ҳам ўзлари кўрган-билган воқеа-ҳодисалар, қизиқарли гап-сўзларни икки энлик қилиб бўлса-да, ёзиб қолдирмаганлар.

Қизиғи шундаки, одам боласининг кимлиги, унинг характери, феъл-атвори, қиликлари ўзаро суҳбатларда, дилкаш давраларда яққолроқ кўзга ташланади. Руҳшуносларнинг бекорга «Одамнинг кимлигини кулганида билса бўлади», демайдилар.

Шу маънода таниқли адиб ва журналист Шодмон Отабекнинг куни кеча чоп этилган «Дўрмон ҳангомалари» китобининг янги нашри адабий ҳаётимизда ҳам кутилган, ҳам кутилмаган ҳодиса бўлди, деб ўйлайман. Назаримда, айнан ана шу китоб мен юқорида айтиб ўтган бўшлиқни бироз бўлса-да тўлдиришга хизмат қиладигандек.

Мен бу ўзига хос китобнинг қатор фазилатлари, унинг ўтган йиллар давомида бир неча бор қайта-қайта нашр этилгани ёки уларга элимизнинг Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов сингари машҳур кишилари ёзган сўзбошилар ҳақида тўхталиб ўтирмайман. Зеро, «Дўрмон ҳангомалари» аллақачон ижодкор зиёлилар, оддий китобхонлар ўртасида машҳур бўлиб кетган. Энг диққатга сазовор томони, бу китобга киритилган катта-кичик ҳангомалар ўша давр адабий муҳитидан ҳикоя қилиши билан бирга, ўша шоир, адиб ва санъаткорларнинг «жажжи портретлари» вазифасини ҳам ўтайдики, буни фақат қутламоқ керак.

Биз ҳозир XXI асрда яшаяпмиз. Табиийки, ёш авлод Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдулла, Мақсуд Шайхзода, Саид Аҳмад сингари адибларни, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Охунжон қизиқ, Юнус Ражабий, Сойиб Хўжаев сингари санъаткорларни кўрмаган. Уларнинг асарлари-ю, санъатларидан баҳраманд бўлишлари мумкин, аммо уларни оддий бир инсон сифатида тасаввур қилолмайдилар. Назаримда, «Дўрмон ҳангомалари» ана шу йўлдаги хайрли ишлардан бири сифатида ҳам қимматлидир.

Бу китобнинг яхши жиҳатлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Аммо мен қуйида уни бир китобхон сифатида, қайта-қайта ўқиб чиқиш жараёнида туғилган айрим мулоҳазаларимни ўртоқлашиш ниятидаман.

Китобнинг тўлдирилган нашри ҳар томонлама ўқувчи диққатини ўзига тортади. Салмоқли, мазмун-мундарижаси кенг, ранг-баранг... Аммо китобни варақлаб ўқиш давомида унинг мундарижаси йўқлиги сезилиб қолди. Масалан, Шайхзода ҳақидаги ҳангомаларни варақлаб топдим, аммо Азиз Абдураззоқ ё Тўра Сулаймон ҳаётидан олинган латифанамо ҳангомаларнинг қайси бетда эканини топиш учун ҳийла вақт кетди. Ёки Рауф Парфи ҳақидаги қизиқарли гапларни қидираётиб Маҳкам Маҳмудов тўғрисидаги саҳифаларга дуч келдиму уларни ўқишга тутиндим. Бу ҳол нафақат мени, бошқа китобхонларни ҳам чалғитиши тайин.

Тўпламни тузишда маълум бир тартибга ҳамма риоя қилинмагани кўзга ташланади. Масалан, айрим саҳифалар қурама тус олган бўлиб, уларда ҳофизлару рассомлар, актёрлару қизиқчилар, шоирлару журналистлар ҳаётидан олинган ҳангомалар аралашиб кетаверади. Балки бу атайин қилинган бўлиши ҳам мумкин, билмадим. Аммо актёр Обид Юнусов ҳақида ўқиётиб, бирдан кейинги бетда бошқа ёзувчи ёки рассомнинг номига дуч келсангиз, ғалатироқ бўларкан.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Бир вақтлар машҳур рус шоири Михаил Светловнинг «Дўрмон ҳангомалари»га ўхшаган кафтдеккина китобчаси чиққан ва у ҳар бир ижодкорнинг «шарж» — ҳазил сурати билан безатилганди. Муаллиф ҳам, ноширлар ҳам кейинги нашрларда шу нарсани ҳисобга олсалар ёмон бўлмасди. Чунки, ичакузди ҳангома ўқиётган китобхон унинг қаҳрамонларини қиёфасини ҳам кўриб турса, бошқача бўлади.

Кўринаяптики, яхши китобнинг ўрни бошқа бўларкан. Ишончим комил: «Дўрмон ҳангомалари» билан учрашувларимиз ҳам давом этади ва вақти-соати келиб, у жилд-жилд бўлиб чоп этилишига ва китобхонларга ҳамишанги ҳамроҳ бўлиб, завқ-шавқ бағишлайверади.

Эркин УСМОНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Танлов

"ИСТИҚЛОЛ СОЛНОМАСИ" —

миллий киномиз сарҳисоби

Истиқлол йилларида миллий кино санъати ҳам энг яхши анъаналарини давом эттирган ҳолда янгидан шаклланди. Бу борада, айниқса, Республика Президентининг 2004 йил 16 мартдаги "Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 мартдаги "Ўзбеккино" Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори мамлакатимиз кино санъатининг янада ривожланиши учун янги имкониятларни очиб берди.

Яратилган мўътадил шароитлар туфайли кино санъатимизда сезиларли силжишлар кўзга ташланмоқда. Миллий қадриятларни улуғлайдиган бир қанча асарлар яратилди. Улар халқаро киноанжуманларда эътироф этиляпти. Сўнгги ўн йил давомида жами 283 кино, видеофильм яратилди, уларнинг 93 таси давлат буюртмаси асосида суратга олинди. Хусусий студиялар фаолияти эса анча кучайди, улар замонавий ускуналардан самарали фойдаланишга ўтдилар. Бундан ташқари, кўплаб анимацион ва ҳужжатли кино асарлари ҳам экран юзини кўрди. Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган "Истиқлол солномаси" танлови ана шундай ютуқларнинг чинакам сарҳисоби бўлади.

Танлов тўрт йўналишда ғолибларни аниқлайди: "**Энг яхши бадиий фильм**", "**Энг яхши мультфильм**", "**Энг яхши ҳужжатли фильм**", "**Энг яхши миллий сериал**". Танлов учун саккизта рағбатлантирувчи мукофот ҳам кўзда тутилган. Ғолиблар диплом ва мукофотлар билан тақдирланади.

Тақдим этилган асарларда ўтган йигирма йил давомида халқимизнинг қандай оғир синов ва машаққатлардан ўтгани, ўз вақтида танланган оқилона йўл туфайли ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати билан улкан ютуқ ва марралар қўлга киритилгани, юртимизда озод ва эркин, тинч-осойишта ҳаёт ҳукм сураётгани, эркин демократик жамият барпо этиш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар амалга оширилаётгани тўлақонли акс этиши лозим.

Албатта, она-Ватанимиз ва халқимиз манфаатини ўз манфаатлари билан уйғун ҳолда кўриб, эзгу фазилатлари билан кўпчиликка ибрат бўлаётган, янгиликка интилиб яшаётган, тадбиркор, ташаббускор, ҳушёр ва огоҳ, иродали, ғурури баланд замондошларимизнинг образлари табиий тасвирланган кино асарлари муносиб эътироф этишга арзийди.

Танловга тақдим этилган асарларнинг энг яхши намуналари саралаб олиниб, мамлакатимиз телеканаллари орқали намойиш этилади ҳамда жамоатчилик фикрига таянган ҳолда нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади.

Мукофотлар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида топширилади.

Танловга тақдим этиладиган асарлар шу йилнинг 20 июнигача қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни 245-92-76, 214-14-39 телефонлари орқали олишингиз мумкин.

"Ўзбеккино" Миллий агентлиги матбуот хизмати

Бунисига нима дейсиз?

ЧАҚАЛОҚ «КЕЛИН»

ёхуд яраштаган гажаклар хусусида

Уйга тезроқ етиб олиш учун «маршрутка»га чиқдим. Ёнимдаги бўш ўриндиққа бир онахон келиб ўтирди. Қўлидаги сумкасини авайлашидан сездимки, касал кўргани бораяпти.

— Неварамни кўргани ўтаяпман, — деди у гаплашгани одам топилганидан хурсанд бўлиб.

— Касалхонадамиди? — сўрадим.

— Йўқ, кечагина туғуруқхонадан олиб чиқдик, ўғлимникига, хабар олгани. Ҳай, замонадан айланай, болам! Туғуруқхонадан ўзиям нақ келиндай ясатиб олиб чиқдик-да.

— Келинингизними?

— Йўғ-э, чақалоқни.

— Қанақасига, тўрт-беш кунлик гўдакни-я?!.. — яна сўрадим ҳайратимни яширолмай.

— Шуни айтаман-да мен ҳам, бу тиниб-тинчимаган одамлар янги туғилган чақалоққа ҳам «келин қўйлак» тикиб чиқишибди-да! Ўғил болачалар учун эса худди куёв боланинг либосини яратишган. Бировлардан орқада қолмайлик, деб олиб бердим неварагинамга, энг қимматидан. Энди кўрсангиз эди, унинг асаллигини!

— Неча сўм экан ўша қўйлак? — сўрадим қизиқишим ортиб.

— Олтмиш минг сўм, қимматбаҳо тошчалар ёпиштирилган, яна оппоқкина лозимчаси ҳам бор, бошидаги дўппичаси ҳам қуйиб қўйгандек. Видеогаям олдирдик, бир умр кўриб юради, эсдаликка-да, болам. Карнай-сурнай, ҳалиги қиммат машиналарни айтмайсизми? Туғуруқхона олди тўйхонага айланди ўзиям...

Бу орзу-ҳаваслар саноғи манзилга етгунча чўзилди. У ёғига мени турли ўй-хаёллар қамраб олди. Кўпни кўрган момоларимиз янги туғилган чақалоқни чиллада сақлашни, иложи борича бегона кимсаларга кўрсатмасликни афзал билишган. Негаки, фарзаднинг соғ-омон улғайиб, камол топиши шунга ҳам боғлиқ. Наҳотки, ҳеч нимани англамаган, тўғрироғи, ҳали кўзи очилмаган «чақалоқ»қа бир кунгина кийилиб, сандиққа ташланадиган «келин либос» шарт бўлса?! Юртимизда манманликка, дабдабабозликка берилиб, ортиқча исроф-гарчиликлардан тийилиш борасида саъй-ҳаракатлар олиб борилаётган бир пайтда қадриятларимизга умуман мос келмайдиган янгиликларни амалга киритаверсак, буёғи қандай бўлар экан? — дея ўйлаб қоласан киши. Бу калтабинликдан, манманликдан, «Келинлар қўзғолони» спектаклидаги Фармонбибининг таъбири билан айтганда, «Чет элнинг хўрозқанди, деса ётиб ялашга тайёр» турувчиларнинг калтафаҳмлигидан ўзга нарса эмас, назаримда.

Яна бир гап. Ўша матоҳни тўрт кунлик чақалоққа кийдиришга, кимгадир фарзандли бўлиб, болажони билан уйига ошиқиш насиб этадиган, яна кимларгадир бу бахт насиб этмайдиган туғуруқхона ҳовлисида карнай-сурнай, ноғораларнинг қийқириқларига, наҳотки муассаса раҳбарияти бепарволарча томошабин бўлиб ўтирган бўлса? Ахир, қарс бир қўлдан чиқмаслиги бор гап, шундай эмасми? Қолаверса, фикру сўзида собит, не-не алломаю донишмандларнинг издошлари бўлмиш бизнинг халқимизга бу гажаклар ярашмаслигини сезиш наҳот шунчалик қийин бўлса?

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА

Туйғу

Тонг. Боягина ёғиб ўтган ёмғирдан кейин атроф янада ёришган, равшан тортган. Нам ҳиди таралаётган кўчадан турнақатор бўлиб автомашиналар қатнайди. Гўё кимўзар ўйнагандек, манзил томон ошиқишади. Аммо... шу дам бирдан йўлчироқ ёнади-ю, кўчадагилар бир зум тин олади.

Йўлчироқ бахтга ундайди



Қизил чироқ автоуловни, яшил чироқ йўловчиларни бир зум тўхтатишга, йўлдаги ҳаракатини маълум муддат жиловлашга қодир. Бир қараганда, бу ранглар гўё киши умри, ўтаётган лаҳзалар қадрини билишга чорлаётгандек, жимгина, фақат ишора билан ундаётгандек. Аслида, йўлга отланган киши кетаётиб ҳам нимани-дир ўйлаб юради. Бажарадиган иши, қиладиган юмушларининг режасини тузади. Агар йўлида йўлчироқ учрамаса, тўхтай демайди, манзил томон кетаверади-кетаверади.

Йўл четида туриб қолган одамга яшил чироқ оз бўлсада, хаёл суришга, тўғри қарор қилишга имкон беради, назаримда. Кузатганмисиз, йўл белгилари олдида сафдаги аскарлардек тизилган машиналар ҳам гўё шу ранглар олдида илдамлашга ожиздек, шу тахлит туриб ўйлаётгандек туюлади. Бунда уларни манзилнинг нечоғли тасодифларга бойлигини, соғинчларга йўғрилганини, ортида қолаётган йўлнинг эса қандай босиб ўтилганини таҳлил қилаётган йўловчига менгзаш мумкин.

Оламда ранглар кўп. Биргина камалакда етти хил ранг жилоланади. Улар ҳаёт дея аталмиш буюк неъматни ранго-ранг қилиб кўрсатиш ва яшаш моҳиятини англатишда бизга имкон бераётгандек. Бироқ йўлчироқ бахт рангига тимсол бўлгани ҳолда, йўл бошиданоқ яхшилик ва яхшиларни севишга, демакки, эзгулик сари қадам ташлашга сизни, бизни, ҳаммамизни мудом ундайверади.

Бирдан яшил чироқлар ранги алмашади — хаёл тугаб ҳаёт бошланади. Энди йўлда ўзингизни яхшилар учун эҳтиёт қилинг, азиз йўловчи!

Наргиза АСАДОВА

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

Аския

Кулгининг баҳоси

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизнинг янада қадр топиб, ривожланаётгани туфайли кулги санъатимиз ҳам ҳар жиҳатдан юксалиб бормоқда. Айниқса, аскиячи ва қизиқчиларнинг анъанавий республика кўрик-танлови ҳар икки йилда мунтазам ўтказилиб келинаётгани бунинг ёрқин мисолидир.

Шу йилнинг 26-27 май кунлари Маъмуржон Узоқов номидаги Марғилон шаҳар маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган танлов Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланди. Кўрик-танлов Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази, Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда Марғилон шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказилди.

— Бундай анъанавий ва нуфузли кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 7 октябрда тасдиқланган "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури" ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилмоқда, — дейди республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази директори Ўрозали Тошматов. — Аския ўзбек халқининг қадимий ва ноёб дурдоналаридан бири. У бошқа халқларда учрамайди. Сўнгги йилларда аскияга бўлган эътибор янада кучайди. Мунтазам ўтказилаётган кўрик-танловлар, фестиваллар, йирик тадбирлар аския ва қизиқчилик санъати ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Шуни қувонч билан таъкидлаш мумкинки, аския ҳам ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос объекти сифатида рўйхатга олиниш арафасида турибди. Бу галги танлов аския ва қизиқчилик халқимизнинг умрбоқий қадриятларидан эканини яққол намоён этди.

Кўрик-танлов кулги санъатининг аския, қизиқчилик ва миниатюра йўналишлари бўйича бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган ижодий гуруҳлар ва яккахон ижрочилар ўз истеъдодларини намоён этдилар. Бошқача айтганда, танлов қизғин ижодий баҳслар ва ҳақиқий истеъдодлар намойишига айланди. Айниқса, чекка вилоятларда аския ва қизиқчилик ўзига хос тарзда ривожланиб бораётганини кўрсатди. Масалан, аския асосан водий вилоятларига хос бўлиб, шу масканларда ривож топган, деган фикр кўпчиликка сингиб кетган эди. Бу галги танловда Бухоро ва Сирдарё вилояти аскиячилар гуруҳлари иштирок этгани кутилмаган янгилик бўлди.

Қизиқчилик санъати бўйича хоразмлик, қорақалпоғистонлик, сурхондарёлик қизиқчиларнинг чиқишлари мавзу долзарблиги, ижро маҳорати ва "юки" бор ҳаётий кулгиси билан ажралиб турди. Айниқса, Шўрчи туман маданият уйи қошидаги ёш қизиқчилар гуруҳининг изланишлари тақсинга лойиқ.

Кулги санъатига ёш истеъдодларнинг кириб келаётгани қувончли ҳодиса. Ёшлар томонидан ижро этилган ҳар бир пайров, қизиқчилик ва миниатюраларда янгилик бор, ўзига хос жўшқинлик бор. Масалан, Республикада хизмат кўрсатган артист Мамасиддиқ Шираев раҳбарлигидаги Марғилон ёш аскиячилар гуруҳининг чиқиши кўрик-танловда ҳақиқий воқеа бўлди. Гуруҳ аъзоларидан Нурмуҳаммад Шираев, Шоҳруҳ Хотамов, Комилжон ва Шукурулло Каримовларнинг бири еттинчи синфда ўқиса, энг кичиги учинчида ўқийди. Уларнинг репертуарлари ҳам болаларга хос. Шунингдек, сирдарёлик "Хушчақчақ" гуруҳининг ёш қизиқчилари Қандиёр Рустамов, Мурод Жуманов, Хусан Мусурмонқулов, қашқадарёлик Акмал Худоёров, Ориф Маматов, Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидан Рустам Ёровнинг ижролари ва изланишлари уларнинг келажагига умид уйғотади.

Ҳакамлар ҳайъати қарори билан қизиқчилик йўналиши бўйича биринчи ўринга навоийлик қизиқчи Шуҳрат Саидов ва хоразмлик қизиқчилар Баҳром Саидмаҳмудов, Қобулбек Қўшназаровлар сазовор бўлдилар. Аския йўналиши бўйича биринчи ўринга Андижон вилояти аскиячилар гуруҳи лойиқ топилди. Миниатюра йўналиши бўйича биринчи ўрин Марғилон шаҳар маданият уйи қошидаги миниатюрачилар гуруҳига берилди. Иккинчи, учинчи ва рағбатлантирувчи ўринларга сазовор бўлганлар кўрик-танлов таъсисчилари ва ҳомийларининг диплом, фахрий ёрлиқ ҳамда махсус совғалари билан тақдирландилар.

Аслида кулгининг баҳоси борми, деган савол туғилади. Ҳақиқий ва чин кулгининг баҳоси йўқ. Кўрик-танловда кашф этилган истеъдодлар кулгиси эса миллий кулги санъатимизнинг умрбоқийлигини кўрсатиб турибди.

Ашурали ЖЎРАЕВ,
кўрик-танлов ҳакамлар ҳайъати раиси

ПАКЕТ КАТТАРОҚ – НАРХИ АРЗОНРОҚ!

ИНТЕРНЕТ–ПАКЕТЛАР

Пакетлар	Пакетдаги трафик ҳажми		Пакет нархи	Пакетни активлаштириш учун USSD-команда
«Internet 25»	25 Мб	NEW	$1,0	*111*019*1#
«Internet 60»	60 Мб	NEW	$2,0	*111*019*2#
«Internet 125»	125 Мб	NEW	$3,5	*111*019*3#
«Internet 500»	500 Мб	NEW	$8,0	*111*019*4#
«Internet 1000»	1000 Мб	NEW	$11,0	*111*019*5#
«Internet 2000»	2000 Мб	NEW	$14,0	*111*019*6#
«Internet 5000»	5000 Мб	NEW	$30,0	*111*019*7#

Изоҳлар:
- Интернет-пакетлардан активлаштирилган кундан бошлаб 30 кун ичида фойдаланиш мумкин.
- Битта рақамга бир вақтда иккитагача Интернет-пакет улаш мумкин.
- Абонент ҳисобидан ҳар бир пакет активлаштирилганда ҳақ олинади.

МТС бир қадам олдинда



Батафсил: 0890 мов., тел.: (+998 97) 130 09 09, 181 09 09, 104 09 09, www.mts.uz / www.mts.uz
Тўловлар суммаси Ўз Мобиле тўловларида тўлов суммасига автоматик равишда оширилади. Нархларга барча солиқлар киритилган.
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Будуновбител» компанияси томонидан тақдим этилади.
Хизматлар лицензияланган

Саҳна ва ҳаёт

"Тарбиячи" қўғирчоқлар

Эсимда, боғча опаларимиз бизни қўғирчоқ театрига олиб боришган эди. Маҳобатли дарвозалардан кирар эканмиз, ўзимизни ғаройиб эртаклар мамлакатига тушиб қолгандек ҳис қилганимизни унутолмайман. Қўғирчоқлар, уларга "жон бахш этган" актёрларнинг ажойиб хатти-ҳаракатлари болалик хотираларимга айланган.

Маълумки, қўғирчоқ театри саҳна санъатининг қадимги турларидан бири. Уларда фойдаланилган қўғирчоқларнинг тайёрланиш усуллари турлича бўлгани тўғрисида соҳага оид манбаларда ёзиб қолдирилган. Уларда қайд этилишича, қўғирчоқлар даставвал лойдан ясалиб, бўялган. Кейинчалик турли матолардан тайёрланган. Ибтидоий одамлар ўз хаёлларидаги мавжудотларни, воқеа-ҳодисаларни тошга ўйиб чиза бошлашган. Ушбу тошга чизилган расмлар одамзод яратган дастлабки қўғирчоқларнинг намунаси ҳисобланади.

Ўрта асрларда қўғирчоқ театри миниатюра шаклида намоён бўлган. Маълумки, аждодларимиз орасидан етишиб чиққан алломалар сафида мусаввирлик ила танилганлари ҳам талайгина. Бунга Камолиддин Беҳзод ва унинг ҳамкасбларининг миниатюра санъатини ривожлантиришгани мисол бўла олади. Кейинчалик ҳаётдаги у ёки бу воқеаларни қўғирчоқлар тимсолида ифодалаш, пировардида бир гуруҳ қизиқувчи одамлар орқали уларни ҳаракатлантириб, қўғирчоқлар тилидан ўзлари ҳикоялар айтиб, томоша кўрсатиш орқали қўғирчоқ театри санъати юзага келган. Юртимизда қўғирчоқ театрининг "Чодир хаёл", "Чодир жамол", "Фонус хаёл" сингари турлари фаолият юритиб келган. Качал полвон, Насриддин Афанди, Зумрад, Аловуддин сингари эртак қаҳрамонлари ҳамма даврларда ҳам болажонларга завқ-шавқ улашган. Спектакларда яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш, унда яхшиликнинг ғолиб бўлиши, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз маҳорат билан кўрсатиб берилган.

Янги кўринишдаги ўзбек қўғирчоқ театри бундан 72 йил муқаддам Тошкентда ташкил топган эди. Шундан бери ушбу даргоҳда болажонларга ажойибу ғаройиб томошалар кўрсатиб келинмоқда. Ҳозирги кунда театрда тажрибали актёрлар Шермат Жабборов, Фатхулла Хўжаев, Наталья Кисилёва, Наталья Данилова, Венера Юсупова, ёш актёрлардан Отабек Исоқов, Равшан Ўтаганов, Аҳад Йўлдошев, Ориф Абдубойев, Жаҳонгир Эгамбердиев каби актёрлар фаолият юритмоқдалар. Улар томонидан тайёрланган "2 заранг", "Семурғ", "Сеҳрли пақилдоқ" каби спектакларда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, сценарийдаги бош қаҳрамонларнинг жасоратлари ўзгача талқинда ифодаланган. Шу кунларда республикамиз мактабларида болажонларнинг ёзги таътил кунлари бошланди. Бу даврда театр ижодкорлари томонидан уларга "Оҳ, бу Хўжа Насриддин" спектакли туҳфа этилади.

Республикамиз қўғирчоқ театрида спектакллар ўзбек, рус ва инглиз тилида намойиш қилинади. Ижодкорлар болалар учун ҳар хил викторина, қизиқарли ўйинлар ўтказиб туришини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

"Ромашка" болалар журнали республика қўғирчоқ театрининг доимий ҳамкоридир. Бундан ташқари қўғирчоқ театри жамоаси республикамиздаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар ҳузурида ҳам ўз маҳоратларини кўрсатиб, жажжилар қалбига қувонч бағишлаб келади.

— Ҳозирги кунда жаҳоннинг кўплаб қўғирчоқ театрларида кенг қўлланаётган янги кўринишдаги спектакллар устида изланмоқдамиз, — дейди театр ходими Светлана Колесникова. Биз томошаларни қанчалар меҳримизни берган ҳолда кўрсатсак, болажонлар ҳам шунчалик завқланишади.

Агар театрдаги қўғирчоқларга эътибор билан қарасангиз, уларга бирор хислат сингдирилган бўлади. Насриддин Афанди қўғирчоғида самимийлик, донолик, уддабуронлик фазилатлари кўриниб турса, Зумрад тимсолидаги қўғирчоқда ўзбек қизларига хос ибо, ҳаё, нафосат уфуриб туради.

Ота-оналар фарзандларидан озгина эътиборини аямай, уларга вақт ажратсалар, маданий ҳордиқ чиқарадиган, маънавиятини ўстирадиган кино ва спектакларга олиб борсалар, нур устига аъло нур бўларди.

Шубҳасиз, қўғирчоқ театри бола тарбиясида катта аҳамиятга эга. Қўғирчоқлардан олинган таассуротлари таъсирида болажонларнинг дунёқараши шаклланади. Шу боис қўғирчоқларни тарбиячи вазифасини бажарувчи десак, муболаға бўлмайди.

Давронбек ОРИПОВ,
ЎзМУ талабаси

Спорт

БИЗДА БЕШТА ОЛТИН МЕДАЛЬ

Хитойда ўтган енгил атлетика бўйича Осиё Гран-при мусобақасида ҳамюртларимиз бешта медални қўлга киритишди.

100 метрга югуриш баҳсларида иштирок этган тажрибали спортчимиз Гўзал Хуббиева маррага барча рақибларидан олдин етиб келди ва олтин медалга сазовор бўлди. Баландликка сакрашда Светлана Радзивиль шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Шунингдек, 800 метрга югуришда Анна Сидорова кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, уч ҳатлаб сакраш баҳсида Александра Котлярова ва Анастасия Журавлева иккинчи ва учинчи ўринга лойиқ деб топилишди.

ФИФАга нима бўлди?

Бутунжаҳон футбол ташкилоти — ФИФА муаммолар гирдобида қолади, шекилли. Чунки кейинги пайтларда у билан боғлиқ турли нохуш воқеалар кўпаймоқда.

Хабарингиз бўлса, бугун ўтказиладиган ФИФА Конгрессида Халқаро футбол федерацияси президентлиги учун сайлов бўлиб ўтиши кутилмоқда. Шу сабабли ҳам Осиё футбол конфедерацияси вакиллари унда иштирок этмасликлари мумкин. Бу ФИФАнинг тартиб-интизом қўмитаси томонидан ОФК президенти Муҳаммад Бин Хаммамнинг футбол билан боғлиқ ҳар қандай фаолиятдан четлатилгани билан боғлиқ.

Афтидан, ФИФА мутасаддилари ўртасида бошланиб кетган ўзаро кураш ташкилот обрўйига анча салбий таъсир ўтказган кўринади. Жумладан, ташкилотнинг асосий ҳомийлари — «Coca-Cola» ва «Adidas» компаниялари раҳбарияти охирги вақтлардаги коррупция билан боғлиқ машмашалар ФИФА нуфузига қаттиқ зарба бўлганини таъкидлашмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси Маҳмуд Сатторовга акаси
Ваҳоб САТТОРОВнинг
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд
ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

ISSN 2010-7528

Бош муҳаррир: Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сурхондарё — 8-376-396-30-59
Фарғона — 8-373-215-80-58
Хоразм — 8-362-291-48-44

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Матёқуб НАРЗИЕВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 20 00

® — тижорат белгиси.

Адади: 8236 Буюртма — Г-626 123 5